

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ИЧКИ ИШЛАР ВАЗИРЛИГИ
МАЛАКА ОШИРИШ ИНСТИТУТИ

ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ ХОДИМЛАРИНИНГ
ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА МУЛОҚОТ ТУШУНЧАСИ ВА
УНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Ўқув-услубий қўлланма

Тошкент – 2023

УДК 159.9.018.7

*Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти
Илмий кенгашида маъқулланган*

Муаллиф:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти психологик таъминлаш гурӯҳ бош психологи майор И.М. Хакимова.

Тақризчилар:

Низомий номидаги Тошкент Давлат педагогика Университети “Амалий психология” кафедраси мудири, психология фанлари доктори, доцент **Н.Ш.Умарова;**

ИИВ Академияси “Тарбиявий-психологик фаолияти” кафедраси бошлиғи психология фанлари номзоди, доцент **Б.Н.Сирлиев.**

И 512 Ички ишлар органлари ходимларининг хизмат фаолиятида мулоқот тушунчаси ва унинг психологик жиҳатлари: / И.М.Хакимова. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023. – 53 бет.

Мазкур ўқув услубий қўлланма Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 20 январдаги “Ички ишлар органларини халқчил профессионал тузилмага айлантириш ва аҳоли билан янада яқин ҳамкорликда ишлашга йўналтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-10-сонли Қарорининг ижроси юзасидан ички ишлар органларида кадрлар салоҳияти даражасини ошириш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасининг тегишли бандларини таъминлаш мақсадида яратилди.

Ички ишлар органларида фаолият юритаётган раҳбар ва кадрлар аппарати ходимлари, сафдорлар, сержантлар ва офицерлар таркибида хизмат фаолиятини олиб бораётган ходимларда мулоқотнинг самарали усусларидан фойдаланиш, уларнинг хизмат вазифалари билан боғлиқ равишда юзага келган муомала билан боғлиқ муаммоларни бартараф этиш, фуқаролар билан ўзаро муносабатлардаги кекин зиддиятли, қалтис ва провакацион вазиятларда ўзини идора қилиш шунингдек, стресс ҳолатларга бардошлилик ва руҳий барқарорлик кўникмаларини оширишга қаратилган масалалар назарда тутилган бўлиб, ИИВ тизимининг ходимларини касбий психологик тайёрлашда қўлланма сифатида фойдаланишга тавсия қилинади.

УДК 159.9.018.7

© Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти, 2023.

Агар давлат таянадиган асосий устун қонун бўлса, унинг кучини амалда намоён этадиган энг самарали тизим бу – ички ишлар соҳаси, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Ш.М.Мирзиёев

МУЛОҚОТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ

Мулоқот хақида тушунча. Инсоннинг ривожланишини, ижтимоийлашишини, индивидни шахс бўлиб шаклланишини, унинг жамият билан бўлган алоқасини мулоқотсиз асло тасаввур этиб бўлмайди. Мулоқот ҳам ўзига хос эҳтиёж. Полъшалик психолог Е.Мелибруда айтганидек, шахслараро муносабатлар биз учун хаводек аҳамиятга эгадир. Гўдаклик ва ўсмирилик даврларида мулоқот етакчи фаолиятга, яъни янги психологик хусусиятларнинг шаклланишига бевосита таъсир кўрсатувчи фаолият сифатида гавдаланади.

Мулоқот - одамлар ўртасида биргаликдаги фаолият эҳтиёжларидан келиб чиқадиган боғланишлар ривожланишининг кўп қиррали жараёнидир. Мулоқот (муносабат) биргаликда фаолият кўрсатувчилар ўртасида ахборот айирбошлишни ўз ичига олади. Бунда муносабатнинг коммуникатив жиҳати ҳисобга олинади. Кишилар муносабатга киришишда аввало тилга мурожаат қиласидилар. Мулоқотнинг яна бир жиҳати муносабатга киришувчиларнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати нутқ жараёнида фақат сўзлар билан эмас, балки ҳаракатлар билан ҳам айирбошлишдан иборат.

Масалан, муносабатга киришар эканмиз, у бизни қониктирса имишора билан мулоқотда бўламиз. Муносабатнинг кейинги жиҳати мулоқотга киришувчиларнинг бир-бирларини идрок эта олишларидир. Масалан, биз бир киши билан мулоқотга киришишдан аввал уни ҳурмат қилиб ёки менсимасдан муносабатда бўламиз. Демак, мулоқот жараёнида коммуникатив (ахборот узатиш), интерактив (ўзаро биргаликда ҳаракат қилиш) ва перцептив (ўзаро биргаликда) идрок этиш амалга оширилади.

Мулоқот қонуниятларини билиш ҳамда уни ўрнатиш малакалари ва қобилиятларини ривожлантириш ҳар бир киши учун муҳимдир. Ҳар бир кишининг ўз “Мени” атрофдагилар билан бўладиган мулоқот жараёнида шаклланади, шахснинг ҳаёт йўллари аввал оилада, боғча, мактаб, институт, ишхона, кексалар орасида, яъни гуруҳ ва жамоаларда ривожланади. Бизнинг юксак маънавий эҳтиёжларимиздан бири - бу мулоқотга бўлган эҳтиёждир. Мулоқотга бўлган эҳтиёжимиз қондирилмаса, онгимиз ҳам ривожланмайди. Шунинг учун биз доимо мулоқотга бўлган эҳтиёжларимизни қондиришимиз лозим. Кимлар биландир бўлган мулоқотдан қониқиши ҳосил қиласиз, лекин айрим ҳолларда эса биз қоникмасликни ҳис қиласиз.

Мулоқот – бу инсонларнинг ҳамкорликдаги фаолиятига бўлган эҳтиёжи бўлиб, муносабатлар, ўзаро таъсирлар, маълумот ҳамда ахборот алмашишга доир уларнинг биргаликдаги фаолиятидир.

Шахс мулоқотини шакллантиришда унинг ёши, жинси, касби, дунёқарашини ҳисобга олган ҳолда иш олиб бориш лозим. Масалан, биз кичик ёшдаги болаларга катталарга нисбатан қўллайдиган сўзларни ишлатмаймиз. Ҳар бир ёш даврига кирадиган кишиларга ўзига хос сўзлар қўлланилади. Бунда сўзнинг таъсир кучи ҳисобга олинади. Шахсни темперамент хусусиятларига қараб мулоқот усулларини қўллаш катта аҳамиятга эга. Шахсда кўникма, билим, малакаларнинг ҳосил бўлишида мулоқотнинг ўрни бекиёс. Оддий кўникма (“тўғри ўтири, қўлингни юв, жойингга бор, салом бер”) ларни ҳам мулоқот орқали сингдирилади.

Шахс мулоқотини шаклланишида унинг тарбияланганлик даражаси муҳим ўрин эгаллайди. Масалан, шахсга кучли таъсир этадиган сўзларни қўлласангиз ҳам у қабул қиласлиги, сизнинг берган кўрсатмаларингизга амал қиласлиги мумкин. Чунки у ёшлигидан муомала маданиятини эгаллаши керак. Мулоқотнинг шаклланишида мақсад тўғри қўйилиши лозим. Мулоқот фаолият жараёнида, турли вазиятларда ривожланади. Масалан, оилада, маҳаллада, жамоада, гуруҳда. Агар оилада катталар бирбирларига қўпол муносабатда бўлсалар, бола ҳам уларга тақлид қилиб атрофдагилар билан низоларга бориши мумкин.

Мулоқотнинг тизимида ўзаро бир-бирига боғлиқ жиҳатлари қуидаги ажратилади:

КОММУНИКАТИВ	ИНТЕРАКТИВ	ПЕРЦЕПТИВ
		
Индивидларнинг ўзаро ахборот алмасиниш жараёни	Нафақат билим ва гоялар балки харакатлар бўйича ҳам ўзаро таъсирни ташкил этишдан иборат	Мулоқот жараёнида ўзаро бир-бирини идрок қилиш орқали тушунишdir


Демак, мулоқот биргаликдаги харакат эҳтиёжларидан келиб чикадиган, алоқа алмасин, бир - бирига таъсир этиш, бошқаларни тушуниш, одамлар ўртасида контакт ўрнатиш ва ривожлантириш жараёни.

Мулоқот ҳаёт кечиришнинг бир шаклидир. Мулоқотнинг ўзаро биргаликдаги ҳаракати ва коммуникатив жиҳатдан ташқарида унинг перцептив жиҳати муносабат иштирокчиларининг унинг жараёнида амалга ошириладиган ўзаро идрок этиш юзага келади.

Таниқли психолог С. Л.Рубинштейн шундай деб ёзган эди:

“Кундалик ҳаётда одамлар билан муомалага киришар эканмиз, биз уларнинг хулқ-авторига мўлжсал оламиз. Негаки биз уларнинг танқидий маълумотлари моҳиятини гўё ўқиб, яъни магзини чақиб чиқамиз ва шу йўсинда контексада мужассамлашадиган матннинг ички психологик жиҳати мавжуд бўлган мазмунини аниқлаймиз”.

Инсон мuloқот жараёнининг моҳияти қўйидағилардан иборат:



Биринчидан, мuloқот жараённида ахборот бир томондан иккинчи томонга шунчаки ҳаракатланмайди, балки фаол алмашинади (коммуникатив жараён иштирокчилари бир-бирига ахборот юбораётганда бир-бирининг мотивлари, мақсадлари, установкалари ва бошиқаларни таҳдил қиласидилар)



иккинчидан, мuloқот жараённида ахборот алмаша туриб кишилар белгилар орқали бир-бирига таъсир этиши мумкин (инсонлараро ахборот алмасинувида, албатта сухбатдоши хулқ-авторига муайян таъсир ўtkaziladi)



Мулокотнинг турлари.

Мулокот одамларнинг жамиятда ўзаро ҳамкорликдаги фаолиятларининг ички психологик механизмини ташкил этиб, у ҳозирги янги демократик муносабатлар шароитида турли ишлаб чиқариш қарорларини якка тартибда эмас, балки биргалиқда чиқариш эҳтиёжи пайдо бўлганлиги ҳисобга олинганда, одамларнинг меҳнат унумдорлиги ва самарадорлигини таъминловчи муҳим омил эканлигини билдиради.

Мулоқот мазмунига кўра қўйидағи турларга ажратилади:

	<p>Моддий мулоқот – субъектни долзарб эҳтиёжларини қондириши воситаси сифатида, айни пайтда шугуланаётган фаолиятининг маҳсулотлари ва предметларини айрбошлиш тушунилади</p>
	<p>Когнитив мулоқот – шахсларнинг ҳамкорликдаги фаолиятида нарса ва ходисаларни ўрганиши, маълумотларни билиб олиш жараёнида ўзаро билим алмашинувига айтилади</p>
	<p>Кондицион мулоқот – психологияк ва физиологика ҳолатлар айрбошланади. Масалан ходим жабрланувчи фуқарога ҳамдардлик асосида муносабатда бўлиши ёки ииғлаётган ёхуд тушқунликка тушиб қолган шахсни овутши орқали таъсир кўрсатишига айтилади</p>
	<p>Мотивацион мулоқот – муайян йўналишида ҳамкорликда ҳаракат қилиши учун ўзаро мақсадлар, қизиқишилар, мотивлар ва эҳтиёжлар алмашинуви жараёни билан изоҳланади</p>

Мулоқот шакллари. Мулоқот демократик, авторитар, либерал шаклларда амалга ошади. **Демократик шаклда** сұхбатлар, мунозаралар, мулоҳазалар ўзаро тенглик, ўзаро хурмат руҳига бўйсундирилиб, таъсир ўтказиш соҳалари яширинган ҳолда бўлади. Шу боисдан, тасодифан воқеа ва ходисаларнинг содир бўлиши турлича баҳоланади, рағбатлантирилади ёки жазоланади. Мана бундай одилона амалга оширилган мулоқот таъсирида кишилар ўртасида дўстлик, дилкашлиқ, хушмуомалалик, шахсий ҳатти-ҳаракатида ва мулоҳаза юритишида мустақиллик, шахсий қарашлари сақланган ҳолда янги норма ва талабларга мослашиш, ўз фаолияти учун жавобгарлик, эмоционал зўриқиши даврида ўз-ўзини қўлга олишлиқ каби мухим фазилатлар пайдо бўлади.

Мулоқотнинг яна бир шакли **авторитар** деб аталиб, бунда шахслараро тенг ҳуқуқлилик, эркин хатти-ҳаракат қилиш, ташаббускорлик ўз аҳамиятини йўқота бошлайди. Масалан, бошлиқ томонидан ходимларнинг юриш-туриши, хатти-ҳаракати қўпинча чеклаб қўйилади. Бошлиқ томонидан таъсир ўтказишнинг асосий методи – жазолаш ҳисобланади. Бироқ онда-сонда рағбатлантириш методидан фойдаланилганда ҳам, у ходимга маънавий озуқа бермайди. Мазкур усул оиласа қўлланилса, фарзандларда ота-онага яқинлик, меҳр ҳисси камаяди, кейинчалик бу туйғу узоқлашиш, “бегоналашиш” кечинмасига айланади. Оиладаги шахслараро муносабатлар болаларни қониктирмайди; натижада одамови, тунд, ичимдагини топ, ташвишилий, хавотирлий, каби социал норма ва қоидаларга қийинчилик билан мослашишдан иборат характер хислатлари вужудга келади. Шу сабабдан оила аъзолари руҳий дунёсида симпатия (ёқтириш), эмпатия (ҳамдардлик), самимийлик, ҳайриҳоҳлик каби юксак инсоний ҳис-туйғулар жуда нурсиз ифодаланади. Кўр-кўрона ва сўзсиз бўйсунишга асосланган муносабатлар негизида ётган тарбиявий таъсир қўрқоқ ва иродасиз, кучсиз шахсни таркиб топтиради.

Мулоқотнинг **либерал** шаклига ҳам тўхталиб ўтсак. Бу шакл мулоқот жараёнида муросасоз, кўнгилchan бўлишилик, ташқи кўринишдан илиқ психолигик иқлимини, гуруҳий мосликни ўзида акс эттиргандек бўлиб туюлади. Афсуски, либераллик, мурасасозлик ҳар қандай вазиятни тил топиб ҳал қилишда қийинчиликка, принципиалликдан узоқлашишга, субутсизликка олиб келади.

Мулоқотнинг психологик воситалари.

Одамлар бир-бирлари билан муомалага киришар экан, уларнинг асосий кўзлаган мақсадларидан бири – ўзаро бир-бирларига таъсир кўрсатиш, яъни фикр-ғояларига қўндириш, ҳаракатга чорлаш, установкаларни ўзгартириш ва яхши таассурот қолдиришdir.

Кишилар мулоқотга киришар экан, савол бериш, буйруқ, илтимос қилиш, бирор нарсани тушунтириш билан бирга ўз олдига бошқаларга таъсир этиш, шу нарсани уларга тушунтириш мақсадини қўяди.

Мулоқотнинг мақсади кишиларнинг биргаликдаги фаолиятига эҳтиёжини акс эттиради. Бунда мулоқот шахслараро ўзаро таъсири сифатида намоён бўлади, яъни кишиларнинг биргаликдаги фаолияти жараёнида пайдо бўлувчи алоқа ва ўзаро таъсирлар йифиндисидир. Биргаликдаги фаолият ва мулоқот ижтимоий назорат шароитида рўй беради. Жамият ижтимоий нормалар сифатида махсус ҳулқ-атвор намуналари тузилишини ишлаб чиқсан. Ижтимоий нормалар кўлами ниҳоят кенг – меҳнат интизоми ҳарбий бурч ва ватанпарварлик, хушмуомалалик қоидалари ана шулар жумласидандир. Ижтимоий психология нуқтаи назаридан мулоқотга киришувчилар бажарадиган ролнинг “репертуар”ига мос ҳолда намоён бўлади.


!!! Шахсга нисбатан бўлган салбий муносабатига қарамасдан ходим мулоқот қилишга мажбур.



Мулоқот доимо инсон билан боғлиқ бўлади, масалан шахс жанжалкаш бўлиши мумкин, бу жанжал зиддиятларнинг натижасида юзага келади, шу боис шахснинг зиддиятни келтириб чиқарадиган характери ҳолатларини ўрганиш керак бўлади.

- Нотаниши шахслар билан тез фурсат ичida алоқа ўрнатиш ва уларга маъқул бўлиши;
- Бошقا шахслар гапини эшишта билиши қобилиятига эга бўлиши;
- Одамларга психологик таъсир кўрсата билиши қобилияти;
- Мулоқот жараёнида шахс билан психологик тўсиқларни бартараф этиши қобилиятига эга бўлиши.

Ходимларнинг фуқаролар билан мулоқотининг узоқ давом этишида зиддиятли ҳолатлар тез-тез учраб туради. Ҳар қандай мулоқотнинг бирон-бир мақсади бўлади. Мулоқотга киришган ҳар бир шахс, мулоқотнинг якуний ҳолатига қараб турлича, хulosha чиқариши мумкин. Мулоқот жараёнида субъектнинг махсус томонларини билиш ёки англаш хам муҳим ҳисобланади. Шуни айтиш жоизки, кўп ҳолларда зиддиятни сунъий келтириб чиқарадиган шахслар жамиятдаги ахлоқсиз, одобсиз ва виждонсиз кишилардир. Мулоқот жараёнида муайян зиддиятли ҳолатлар турли психологик тўсиқлар сабаб юзага келади.




Мотивацион тўсиқлар шахсларнинг мулоқотга киришидан бош тортиши, Муомалани тўғри, аниқ қўринишида олиб борилишини хохламаслиги жараёнида намоён бўлади.

Ақлий тўсиқлар шахсни ходимга нисбатан билим доирасининг кенглиги, мантиқий фикрлашининг чуқурлиги ва хуқуқий саводхонлиги мазмунан бой бўлган тақдирда амалга ошади.

Мулоқотга киришувларнинг психологик ва эмоционал иродавий ҳолатларидан келиб чиқади (агрессивлик, қўркув, асабийлашиш, хўрланиш ва бошқалар).

Тарбиявий жараёnlардаги тўсиқлар ички ишлар органлари ходимлари тарбияси қийин ўсмирлар, носоғлом оиласлар ва муқаддам судланган шахслар билан профилактик чора тадбирлар олиб бораётган вақтда учрайди.



Мулоқот маданияти.

Ҳаётда турли вазиятларга дуч келамиз. Баъзи ота-оналар фарзандларини ўкситмаслик, намунали қилиш мақсадида кийинишида, овқатланишида, таълим олиш ва ишлашда улар учун барча шароитларни яратиб берадилар. Фарзанд бу имкониятларни нотўғри тушуниб, кибрли, манманлик кайфияти унинг ахлоқига салбий таъсир қўрсатади. Охир оқибат тўқликка шўхлик қилиб муомала ва мулоқотда қўпол, мулоҳазаси саёзлиги эвазига бир оғиз сўз билан ота-оналарнинг дилларини оғритади, ранжитади. Натижада ўртадаги муомала маданияти издан чиқади, бошқаларнинг ундан кўнгли қолади. Тузатиш қийин бўлган муаммо ва қийинчиликлар пайдо бўлади. Фарзандлар хоҳ ўғил, хоҳ қиз бўлсин ўзларига оро берсалар-у, муомалани билмасалар, ҳеч қачон эл хурматига сазовор бўлмайдилар.

Агар назар соладиган бўлсак, муомала маданиятининг гўзаллиги билан муаммолар ечилади, қалбларга йўл топилади, орзулар рўёбга чиқади, ота-онани кўнглини олишга шароит яратилади. Шу ўринда халқимиз “Ширин сўз билан илон инидан чиқади”, деб бежиз айтмаган. Ҳатто, чиройли муомала моддий маблағ билан қилинган яхшиликларни ҳам босиб ўтиши мумкин. Бу

маънони таъкидлаб, Абу Ҳурайра (розийаллоҳу анху) Пайғамбаримиздан (солаллоҳу алайҳи васаллам) келтирган ҳадиси шарифда: “Табассум билан айтилган чиройли сўз - садақадир”, дейилади. Бу билан одамларнинг ўзаро муомаласи қай даражада иззатланиши таъкидланмоқда. Гоҳида кичкина эътиборсизлик катта нохушликларга сабаб бўлади, муаммо устига муаммо туғилади.

Инсон бу борлиқда мавжуд экан, тинимсиз атрофидагилар билан мулоқотда бўлади, у истайдими, йўқми?! Баъзида ёқтирган кишиси билан бир вагонда сафарга чиқиши ёки ҳеч қачон келиша олмаган ҳамкасби билан бир хонада йиллаб ишлашига тўғри келиши мумкин. Гоҳида кўргани кўзи йўқ одам билан шартнома тузишига ҳам тўғри келиб қолади. Ҳар нечук уларни доим бўлмасада тез-тез учратади. Инсон ўз яқинлари ва дўстлари билан мириқиб сухбатлашади, бу шубҳасиз. Аммо жамиятдаги барча шахслар унинг дўстлари эмас-ку! Улар билан қандай сухбат қуриш мумкин. Маданиятли шахс учун бу ҳеч қачон муаммо туғдирмайди. Муаммо шундаки, жамиятдаги турли табакадаги шахслар билан сухбат қуришнинг саноқли қоидалари борки, уни ҳамма ҳам билавермайди ва шу сабаб катта-кичик кўнгилсизликларга учрайди. Кўп ҳолларда бундай инсонлар нафақат кўнгилсизлик, балки омадсизликларга ҳам дуч келади. Бу ачинарли ҳолат, албатта. Инсон бундай ҳолатга ҳеч қачон тушмаслиги ҳам мумкин.



Бунинг учун турли инсонлар билан сухбатлашиши жараёнида бир неча кичик қоидаларга амал қилса бас:

1. сухбатдошингизга оғир ботадиган, хафа қиласидиган, ноқулай вазиятга солиб қўядиган, гапиришни истамайдиган мавзу бўйича сухбатлашиш мумкин эмас;
2. сухбатдошингизга ўзингизга таъриф, тасниф беришдан, ўз муаммо ва ютуқларингиз ҳақидаги маълумотга эътиборни кучайтиришдан қочинг;
3. сухбат чоғида ўзингизни “мен”ингизни марказий ўринга қўйманг, камтар бўлинг;
4. ўзингизни фикрингизни уқтиришдан олдин уялиб қолмаслигиниз учун ҳамсухбатингизни ижтимоий келиб чиқиши, шахс сифатида айтилаётган масала юзасидан қандай маълумотга эга эканлигини билиб олгандан сўнг сухбатга киришинг;
5. сухбатдошингизни ўзини ҳам сўзини ҳам ҳурмат қилишга ўрганинг;
6. сиз нотўғри деб билганингизда ҳам охиригача эшитинг;
7. бошқа инсонларни ғийбат қилиш, уларнинг муаммоси ҳақида гаплашиш ҳам ахлоқсизлик саналашини унутманг.

Ҳар қандай сухбат биринчи навбатда маълумотлар алмашинувидир. Сухбат жамоат жойларида ёки кўчада бўлса бошқаларни ўзига жалб қилмаган ҳолда овоз оҳангини пастлатиш лозим. Тез ёки ҳаддан ташқари чўзилиб гапириш ҳам маълумотни ўзлаштиришга халақит беради. Кам

муомалада бўлган, яхши танимайдиган инсонлар билан мулоқатда бўлишда ҳаммага тушунарли бўлган енгил мавзу танлаб олинади. Масалан, футбол, сериаллар, телекўрсатувлар в.х.к. ҳеч қачон оиласвий муаммолар, шахсий ҳаётдаги келишмовчиликлар, ўзи тушунмаган ва маълумотга эга бўлмаган, тор мутахассисликка оид мавзуларда гаплашиш мумкин эмас.

Ҳамма хурсанд ҳолатда суҳбатлашаётган ҳолатда кайфиятни тушурувчи қўрқинчли воқеалар, кўнгилсиз ҳолатлар ҳақида гапириш бошқаларнинг кайфиятини тушуриб юборади. Касал кўргани борганда ўлим ҳақида, унинг касалининг тарихи, майда-чўйдалари ҳақида гапириш мумкин эмас. Унинг ўрнига ёлғон бўлган тақдирда ҳам, кўриниши яхшилиги, албатта тузалиб кетиши мумкинлиги борасида суҳбат қуриш лозим. Дастурхон атрофида иштаҳани бўғувчи мавзулар ҳақида гапирилмайди. Таомни ёмонлаш, камчилик ахтариш мумкин эмас, балки пиширган инсонни кўнглини қўтариш лозим.

Тарбияли ва маданиятли инсон умумий таниш ҳақида фикр билдираётганда ёлғон ишлатмайди, у ҳақида нолойиқ сўзлар айтмайди. Бир инсон ҳақида (ҳатто у ёмон инсон бўлгандан ҳам) фикр билдираётган пайтда у кириб қолса, мийигида кулиб, иболи қараш, пичинг, қочириқлар қилиш, баъзida бетга айтган ҳақиқий фикрдан ҳам қаттиқ дилга озор беради. Суҳбат чоғида инсон тинглашни ҳам билмоғи даркор.

Тинглаш фақат эшитиб ўтириш дегани эмас. Яхши суҳбатдош ўз суҳбатдоши фикрини мантиқий тугатгандан сўнг, ўз фикрини тўлиқ баён қилиб берувчи инсондир. Жуда ҳам керак бўлиб қолган вақтда кечирим сўраб, масалан, “*Кечирасиз, менимча шу фикрингиз...*” ёки “*Фикрингизни бўлганим учун узр сўрайман, менимча...*” бу вақтда гапираётган одам суҳбатдошига имкон бериши лозим. Инсоннинг дунёқараши ҳақида гап кетганда албатта ёшлар билан катталар ўртасида тушунмовчиликлар бўлади. Шундай пайтларда ёшлар ўзларини фикрларини ёқламасдан “хўп” деб мавзуни ўзгартиришлари катталарнинг дили оғриб қолишидан сақлайди.

Суҳбатдошингизнинг фикрини нотўғри деб билган тақдирингизда ҳам тарбияли ва камтар инсон сифатида муносабатда бўлиб “*менимча, адаидингиз*”, “*узр мен бошқа фикрдаман*”, “*кечирасиз, мен сизнинг фикрингизга қўшилмайман*” деган иборалар билан мурожаат қилинади. Ҳеч қачон “*умуман нотўғри*”, “*бу тўғрида ҳеч нарсани тушунмайсиз*”, “*бу нарсани ёши бола ҳам билади*” деган ибораларни ишлатиш мумкин эмас.

Шахслараро муносабатларда новербал мулоқотнинг ўрни.



Мулоқотнинг қуйидаги новербал воситалари турлари мавжуд:

1. Визуал воситалар:

- кинесика – қўл, бош, оёқ, тана ҳаракатлари, қадам ташлаш;
- юз ифодаси, кўз ифодаси;
- қомат, бошни тутиш;
- қараш йўналиши, визуал алоқалар;
- тери реакциялари – қизариш, оқариш, терлаш;
- проксемика (муомалани ташкил этиш замони ва макони) – сухбатдош билан оралиқ масофа, масофа оралиғи бурчаги, шахсий кенгликлар;
- қўшимча мулоқот воситалари – қадди-қомат хусусиятларини бўрттириш ёки яшириш (жинсни, ёшни, ирқни);
- табиий тана тузилишини ўзгартириш (кийим, соч турмаги, косметика воситалари, кўзойнак, тақинчоқлар, татуировкалар, мўйлов ва соқол, қўлдаги кичик ашёлар).

2. Акустик воситалар:

- паралингвистик (овоз сифати, унинг диапазони, тоналлиги) – баландлиги, тембри, мароми, товуш баландлиги;
- экстролингвистик – нутқ паузалари, кулгу, йифи, хўрсишиш, йўталиш, қарсак.

3. Тактиль воситалар: такесика – тегиниш, қўл сиқиши

4. Ольфактор воситалар:

- ёқимли, ёқимсиз ҳидлар;
- инсондан тарападиган табиий ва сунъий ҳидлар.

Новербал воситаларда ҳар бир маданият ўз изини қолдиради, шунинг учун бутун инсоният учун умумий бўлган меъёрлар йўқ. Бошқа мамлакатларнинг тилини ўрганган каби унинг новербал тилини ўрганиш ҳам зарурдир.

Мулоқот чоғида кишилар томонидан қўлланиладиган айрим ҳаракат ва ҳолатларнинг маъноси:

	Қўллар тана бўйлаб пастга туширилган – ҳар қандай шароитда хотиржам ва ақл билан ҳаракат қила оладиган, ўзига ишонган киши. Унинг сўзлари ҳамда хатти ҳаракатлари чуқур ўйланган ва мантиқли. Бу ҳолатдаги одам очик ва бошқалар кутганидек ўзини табиий тутади.
	Қўллар чўнтақда ёки белда – агрессив ва хужумга ўтишга шай бўлган киши. Агар сизнинг танишларингиздан бирортаси кўпинча шундай ҳолатни эгалласа, бу унинг авторитарлиги бошқаларга таъсир ва ҳукм ўтказишга интилишидан дарак беради.

	<p>Құллар күкрапда чалиширилган – үзига ишончсизлигини яширишга ҳаракат қилаётган киши. Чалиширилган құллар ҳимоя реакцияси бўлиб, мулоқотда, үзаро бир-бирини тушунишда тўсиқ мавжудлигини намойиш этади. Агар тингловчи шундай ҳолатни эгалласа, бу унинг сизнинг фикрингизга қўшилмаётганлиги, гапингизни эшитишга хохиши йўқлигидан дарак беради. Мабодо, гапираётган одам шундай ҳолатни эгалласа, унинг гапларининг тўғрилигига, чин кўнгилдан чиқаётганлигига шубҳа билан қараашга асос бўлиши мумкин.</p>
	<p>Құллар орқада чалиширилган – онгсиз равишида ўз қўрқмаслигини намойиш этиш мақсадида қоринни ҳамда күкрапни олдинга чиқаришга имкон яратувчи ўз-ўзига ишонч ва устунлик ишораси. Стресс вазиятида худди шундай ҳолатни эгаллаш орқали бирмунча енгил тортиш, эркинлик ва ўз-ўзига ишончни ҳис қилиш мумкин. Тутиб турган қўл иккинчи қўлнинг қанчалик юқорисидан ушлаган бўлса, кишининг шунчалик кўпроқ жаҳли чиқаётган бўлади. Бу ҳолатда киши ўзини назорат қиласи ва барча ҳақиқатни айттаётганлигига ишониш қийин.</p>
	<p>Шартли равишида барча ҳолат ва жестларни ёпиқ (оёқлар ва құллар чалиширилган), ўзини ҳимоя қилиши, носамимийлик, ёмон ниятни англатувчи ҳамда ўз ўзига ишонч, хотиржамлик, мулоқотга мойиллик ва ҳамфикрлиликни билдирувчи очиқ ҳолат ва жестларга ажратиши мумкин.</p>
	<p>Очиқ кафтларни сұхбатдошга құрсатилиши, очиқ ҳолатдаги киши. Бундай ҳолат кишининг тўғрисўзлиги, самимийлигини яққол намойиш этади.</p>



Хўжумга ўтиши ҳолати: қўллар чўнтақда, бош бармоқлар ташқарига чиқарилган. Бармоқларнинг намойишкорона ташқарига чиқарилиши мазкур кишининг ўзини суҳбатдошдан устун сезаётганлигидан далолат беради. Ўз қўл остидаги ходимлар билан суҳбатлашаётган раҳбарларга хос.



Лидерлик сифатларини яшираётган киши:

Қўллар орқада, бош бармоқ ташқарига чиқарилган. Кучли ва ҳатто агресив кишилар кўпинча шу ҳолатни эгаллайдилар.



Хўжумкор ҳолат: қўллар чўнтақда бош бармоқлар ташқарига чиқарилган.



Ўз-ўзига ишонч ва устунлик ҳолати: юқори даражадаги бошлиқлар ва раҳбарлар учун характерлидир.



Ҳимоя ҳолати: Қўллар ва оёқлар чалиштирилган. Нотаниш муҳитга ва бегона одамлар орасига тушиб қолган, ўзига ишончсиз киши ҳолати. Кўпинча бу ҳолатда киши барча тутмалари қадалган, бошқалардан узокроқ масофада туришга ҳаракат қиласди.



Қўллар чалиштирилишининг яширин кўриниши: ўз қўлидан тутиб туриш. Бу ҳолат атрофдагилар билан кўринмас тўсик ўрнатадиган ярим ҳимоя ҳолати.



Амалга ошмаган умидлар вазиятга негатив муносабат:

Мазкур жест кишига ўз хотиржамлигини сақлаб туришга имкон беради. Ота-оналар салбий нохуш ва хавфли ҳолатларда болаларнинг қўлидан худди шундай ушлаб олишади.¹⁴



Киши қатъий позицияни эгаллаган:

Нафақат қўллар чалиштирилган балки, бармоқлар қўл юқорисидан маҳкам тутиб турибди. Ушбу ҳолат кишининг вазиятга бўлган негатив, тушкун муносабатини акс эттиради.



Кишининг ўзига ишончи йўқ ва чалиштирилган қўллар тўсиги билан ўзини ҳимоя қиласи. У ўзини сиқилган ҳолатда сезади, муроқотга ва ўзаро тушунишга интилмайди. Балки, сухбатдош унга ёқмайди ёки уни хафа қилган.



Яширин асабийлик:

Қўллар чалиштирилишининг яширин кўриниши кўпроқ оммавий нутқ сўзлаш чоғида кўпчиликнинг диққат эътиборида бўлган кишилар томонидан қўлланилади. Киши хавфсизликни ҳис қилиш мақсадида сумкаси, соати ёки тўғноғичига тегиш орқали ҳимоя тўсиги ҳосил қилиши мумкин.



Ўзини оқламаган умидлар ва ўз-ўзини назорат ҳолати:

Қўл гўё ўзини нотўғри ҳаракатлардан тутиб қолиш мақсадида бошқа қўл билагидан ёки юқорироқдан қаттиқ ушлаб туради. Қўл қанчалик юқоридан ушлаган бўлса, кишининг асаби шунчалик таранг бўлади.



Хужумга тайёрлик:

Мушт бўлиб тугилган бармоқлар ва чалиштирилган қўллар душманларча муносабатни билдиради. Одатда бу ҳолат тишларнинг бир-бирига жипслashiши ва юзнинг қизариши билан бирга кечади. Бу жестдан сўнг киши одатда сўз билан ёки жисмоний ҳамла қилиши кузатилади.



Очиқ кафтлар

Кўл жестлари орасида энг мақбули. Очиқлик ҳаққонийлик сухбатдошни тан олиш ва унга ишонч белгисидир.



Кафтлар ўзи томонга қаратилган

Янада яқин, чин қўнгилдан бир-бирини тушунишга асосланган мулоқотга таклиф. Юракдан чиқаётган сўзлар.



Кескин айлантирилувчи қўллар

Сухбатдош уни тўғри тушунишларини истаган ҳолда фаол қўл ҳаракатларини амалга оширилади, ўз фикрларини етарли даражада очик- ойдин баён этишга ҳаракат қиласди.



Бош ва кўрсаткич бармоқлар бир-бирига теккизилган ҳолат

Аниқлик, тартиб ва мантиқийлик тарафдори. Насиҳатгўйлик ва мураббийлик жести. “Окей” жести билан адаштирмаслик лозим.



Кафтлар тепага қараган, бармоқлар ярим букилган

Ўзига тортувчи етакчилик, ҳукмронлик. Вазиятни бошқариш ва устунликка интилиш.



Иккала қўл бармоқларининг бир-бирига чалиширилган ҳолат Юз олдида қўлларнинг чалиширилиши оқланмаган умидлар ва ўз салбий муносабатини яширишга ҳаракат қилинаётганлигидан далолат беради.

	<p>Иккала қўл бармоқларининг стол устида ёки ўтирган одам учун тиззада чалиширилиши Ҳатто одам жилмаяётган ёки қувноқ овозда сўзлаётган бўлса-да, ушбу ҳолат ҳафсаланинг пир бўлганлиги ва жаҳлни яширишга ҳаракат қилаётганлигидан дарак беради.</p>
	<p>“Пирамида” жести Ўз-ўзига ишонч “Мен ҳаммасини биламан” деган маънони билдиради, ўз қўл остидагилар билан гаплашаётган раҳбар ёки бошқаларга йўл-йўриқ кўрсатаётган кишиларга хос ҳаракат.</p>
	<p>Агрессия Кўзойнак устидан қараш кечаётган ҳодисаларга танқидий муносабатни англатади, сухбатдошни ҳимояланишга ва ўз-ўзини оқлашга мажбур этади.</p>
	<p>Кўзойнак тутқичини тишлари Вақтни чўзишга интилиш. Тинчлантирувчи жест. Кашибалар бу мақсадда сигаретадан фойдаланишади, болалар бармоғини сўра бошлайди.</p>
	<p>Фикрлаши Чукур мулоҳаза, ўз фикр ва туйғуларига ғарқ бўлиш. Сўнгти қарорни қабул қилиш арафаси.</p>
	<p>Зерикиши Эшитувчи ухлаб қолмаслик учун бошини қўли билан ушлаб туради. Бошнинг кафтга бутунлай суюниб олиши қизиқишининг умуман йўқлигидан далолат беради. Кўпинча бунинг устига бармоқ учлари билан столни тақиллатиш ёки оёқларни қимирлатиш, сабрсизлик, бошқа эшитишни хоҳламасликни намойиш этади.</p>

	<p>Танқидий баҳо</p> <p>Эшитувчи томонидан кўрсаткич бармоқнинг вертикал ҳолатда чеккага қўйилиши, шу билан бирга бош бармоқ иякни тутиб туриши унинг сўзлаётган кишига ёки умуман ушбу вазиятга танқидий муносабатини билдиради.</p>
	<p>Иякни силаш</p> <p>Қарор қабул қилиш жараёни. Агар олдинги баҳолаш (зерикиши, қизиқиши, танқидий баҳо) жестларидан сўнг ўз фикр-мулоҳазасини баён этиш сўралса, иякни силаш жести пайдо бўлади. Бу ҳолатда одамга халақит бермаган ва шошилтирган маъқул.</p>
 	<p>Авторитарлик, агрессивлик</p> <p>Ўз ҳукмини, ўз хулқ-автор қоидаларини ўтказишга интилиш. Ўнг қўл худди зарба бериш ҳолатидагидек мушт бўлиб тугилган ва кўтарилилган. Кўпинча дўқ ва овозни баландлатиш билан биргаликда кечади.</p> <p>Тамаки тутунини юқорига пуфлаш</p> <p>Агар киши тамаки тутунини юқорига қараб йўналтиrsa, бу нарса унинг ўз-ўзига ишониши, кимданdir устунлигини ҳис қилаётганлиги, вазиятни ижобий баҳолаётганлиги каби ижобий ҳистайғуларни ҳис этаётганлигидан дарак беради.</p>
	<p>Тамаки тутунини пастга пуфлаш</p> <p>Тутуннинг пастга қараб йўналтирилиши, мазкур кишининг салбий эмоцияларни ҳис қилаётганлигидан, вазиятни негатив баҳолаётганлигидан, сиздан бирор-бир нохуш нарсада шубҳаланаётган ёки ўзининг қайсиdir фикрини, мақсадини яширишга харакат қилаётганлигидан дарак беради.</p>

Ёлғон ва яширин ҳолатлар диагностикаси

Хуқук-тартибот органлари ходимларининг психологик билимлари кишилар хулқ-авторидаги носамимий ва яширин ҳолатларни аниқлашда, шунингдек, жиноят ишини очишда мувафақиятли самара беради. *Ёлғон ва яширин ҳолатлар диагностикаси кишиларнинг нутқий ифодаси асосида қуийидагича таҳлил қилиниши мумкин.* Бундай усул рост ва ёлғон фикр билдиришдаги муайян мезон ва белгиларга асосланади.

Фикр билдириш мезонлари	Рост фикрлар	Ёлғон фикрлар
Компетентлик ва хабардорлик	Баъзан киши ўзининг билимлари, хабардорлиги доирасидан чиқади. У одатда, нафақат ўзининг, шахсий тажрибаси, балки бошқаларнинг тажрибаси, газета журналлардаги реал фактларга асосланган тарзда рост фикрларини ифодалайди.	Одатда киши ўзининг маълумоти доирасида тажриба ва малакаси, шунингдек, фантазиялаш қобилиятларига таянади. Бундан ташқари, уйдирмалар ҳаракатлардаги, реал ҳаётдаги, адабиёт ёки кинофильмлардаги типик варианtlар асосига қуилиши мумкин.
Фикрларнинг нутқий тавсифи	Киши реал дунёкараши, маълумоти ва ҳаётий тажрибасидан келиб чиқиб фикр билдиради.	Ёлғонда нутқининг тузилишида фикрларнинг ёрқинроқ ифодаланиши учун мураккаб атамалар (хуқуқий, тиббий ва х.к) билан бир қаторда, ўзининг билими, маълумотига хос бўлмаган тарзда луғат бойлигининг қўлланилиши билан характерланади.
Мулоҳазанинг ноёблиги	Рост мулоҳазаларда индивидуал ва ноёб характерга эга бўлиб, бунда деталлар, ҳодисалар ва конкрет иштирокчи шахслар мавжуд бўлади.	Ёлғон мулоҳазалар одатда схематик, стереотипик, алоҳида деталларсиз, конкрет кишиларсиз.
Ҳиссий бой ва ишончли фикрлар	Рост мулоҳазалар инсон нутқида доимо ҳиссий, ишончли ифодаланади. У рост гапиргани боис гапини бўлиш, фикрини, нұктаи назарини ўзgartириш қийин.	Ёлғон мулоҳазалар ҳиссий саёз бўлади. Эмоциялар ташқаридан қараганда намойишкороналиги ва сохталиги билан ажralиб туради.

Мулоқот давомида кишиларнинг нигоҳига диққат қаратиш лозим. Маълумки, нормал алоқада инсонлар бир-бирига рост гапираётган вақтда мулоқот жараёнининг 2/3 қисми мобайнида нигоҳлар учрашади. Агар инсон носамимий тарзда бирор нарсани яширишга уринса, сухбат давомида кўз нигоҳлари мулоқот даврининг 1/3 қисмida тўқнаш келади. Бу билан у нигоҳларини олиб қочишга уринади.

Сухбатдошнинг узоқ чўзилган табассуми (лабнинг пастки ва юқориги қисми бироз тортилган, чизик ҳосил қиласи, табассум эса саёз) ташқаридан қараганда нозик туйғуларни акс эттиришга уринса-да, носамимий эканлиги

ифодаланиб туради. Мудофаага шай позиция ва антогонизм (этимологияси: «қарши туриш, кураш») мулоқот жараёнида оғиз ва жағ мускулларининг маҳкам сиқиб ёпилиши билан баҳоланади.

Нутқ мулоқотнинг универсал воситаси бўлса-да, у фақат фаолият тизимиға алоқадор бўлган шароитдагина аҳамиятга эга бўлади, фаолиятга дахлдорлик эса мулоқотнинг бошқа – нутқсиз воситаларини қўллаш билан тўлдирилади.

Ушбу воситаларнинг биринчи гуруҳига мимика ва имо-ишора киради. *Мимика* – юзнинг мулоқот пайтидаги динамик ифодаси. *Имо-ишора* – жамиятда ишлаб чиқилган ва руҳий ҳолатни ифодалайдиган ҳаракат. *Пантомимика* – инсон гавдасининг мимика, имо-ишора, интонациялар билан бирга унинг психик ҳолатини, айниқса, ҳис-туйғуларини ифодаловчи ҳаракатларидир. Уларга қараб биз инсоннинг бирор-бир воқеага, шахсга, нарсага муносабати ҳақида хулоса қиласиз. Имо-ишора одамнинг истаклари, унинг ҳозирги вақтдаги умумий ҳолатидан дарак бериши мумкин.

Новербал мулоқот тизимлари коммуникация жараёнида муҳим роль ўйнайди. Айрим маълумотларга қараганда 80% ахборот имо-ишоралар, мимика ва пантомимика ёрдамида ифодаланади. Албатта, бу миқдор анча оширилиб кўрсатилган бўлиши ҳам мумкин. Аммо бир нарса равшанки, новербал белгилар мулоқот жараёнида ўта муҳим аҳамиятга эга. Бу белгилар нутқни тўлдиради, баъзида ўрнини босади ва коммуникатив жараён иштирокчиларининг эмоционал ҳолатини акс эттиради. Шунинг учун мулоқот давомида новербал сигналларни кузатиш ва уларнинг мазмунини тушуниш жуда муҳимдир.

Новербал мулоқотнинг кинетик белгилар тизимида имо-ишоралар, мимика ва пантомимикадан кенг фойдаланилади.

Айрим мисоллар: рост сўзлаётган одам кафтлари очиқ ҳолда, ёлғон гапираётган одам эса уларни беркитишига ҳаракат қиласи. Суҳбатдошидан ўзини юқори тутиши белгиларидан бири, бутун кафт чўнтақда бўлиб, бош бармоқнинг ташқарига чиқариб қўйилганлигидир. Шубҳаланувчанлик одатда оғизни қўл билан ҳимоялаш, буринга тегиб қўйши, қовоқларни силаб қўйши, қулоқ ортини ёки бўйнини қашлаб қўйшида кўринади. Даҳанни силаб-силаб қўйши қарор қабул қилишига қийналишини кўрсатади. Асабийлик ҳолати кишининг бирор нарсага, билак узуги, соати ва шу кабиларга ҳеч қандай мақсадсиз қайта-қайта тегиб туриши остига яширинади. Стулнинг устига «миниб», оёқларни кенг ёзиб ўтиришидан одамдаги доминантликка мойилликни сезиш мумкин. Олдинга чиқарилган оёқ, айниқса, уни учи билан ер тепсинаётган бўлса, доминантлик яққол намоён бўлади. Бош орқасига чалишитирилган қўллар, аёлларда белга тирадан муштлар ҳам доминантликка интилиши муносабатидан дарак беради. Кийимдаги йўқ чангларни қоқувчилар бундай ҳаракат билан суҳбатдоши фикрига эътиборсизлигини ёки қўшилмаслигини кўрсатади. Одам вазият тўла ўзининг назорати остида деб ҳисоблагандаги қўлларини бошининг орқасига ўтказиб, оёқларини чалишитириб

ўтирадилар. Ўтирганда құлларни тиззага қўйиши ҳаракатга дарҳол тайёр-гарликни билдиради. Суҳбатни тугатмоқчи бўлган одам қўлларини тиззасига қўйиб, қаддини бироз олдинга эгади. Одам гапира туриб оёқдан оёқка кўчираверса, тезроқ кетишга ҳаракат қилинаётганлигини, суҳбат унга ёқмаётганлигини ёки шошаётганлигини тахмин қилиши мумкин. Кўкрак қафасини беркитиши ҳимоялаш аломатидир. Бунда қўллар кўкрак қафасида чалишитирилган, қадди-қомад эгилган бўлиши мумкин, агар одам даҳанини кафти билан тираб ўтирган бўлса, бу кўпинча дикқат билан тингланаётганлиги ва ўйланиб қолганлигини билдиради.

Ички ишлар органлари ходимлари фуқаролар билан муносабатга киришишда кескин қарорлар қабул қилишга тўғри келади. Уларнинг жиноятга алоқадор ёки унинг ўзи жиноят содир этганлигини аниқлаш керак бўлади. Жиноятни содир этган шахслар доимо ўзларининг ҳақ эканликларини қандай аниқлаш мумкин?

Суриштирув-тергов ҳаракатларини олиб боришда жиноят содир этган шахс сизга ёлғон гапириши ва носамимийликни кўрсатиши мумкин.

Жиноят содир этган шахс қилмишни содир этишида қўлга тушиб оқибатларини яхши билади ва кўп йил қамоқда бўлиши мумкинлиги унда кўркувни юзага келтиради. Бу кўркув суриштирув ва тергов ҳаракатларини амалга ошириш вақтида ташқи аломатлар билан ўзини «сотиб» қўйиши мумкин.

Киши ёлғон гапираётганда стресс ва зўриқишини ҳис қиласи. Қамоққа тушиб қолишдан қўрқиш организмга кучли таъсир кўрсатади ва инсонда хавфга қарши психик реакция кузатилади.

Инсон организми хавфга қарши уч ўйл билан тайёрланади:

- кўркув ёки хавф организмда (неврозлик асосида) ҳимоя механизмини ишга солади, уни ҳимоя реакциясига тайёрлайди;
- шу вақтда организм хавфга қаршилик кўрсатиш учун мудофаага ўтади;
- организм хавф билан боғлиқ кечинмалардан ўзини ҳимоялаш позициясига ўтади.

Юқоридаги ҳолатлар ҳақида маълумотга эга бўлсангиз инсон организми стресс ҳолатида бўлган вақтдаги унинг самимий ёки носамимийлигини аниқлашга ёрдам беради.

Бу ҳолатларни ўрганиш ва таҳлил қилиш қобилияти психологиянинг кузатув методи асосида ташкил этилади.

Новербал ҳаракатларни ифодалаш қийин эмас. Бунда атрофдаги-ларнинг хотиржамлигига хавф солувчи ҳолатлардаги ихтиёrsиз равишида юзага келадиган реакциялар ҳақида маълумотга эга бўлиш керак бўлади.

Вербал мулоқот бу – нутқ билан боғлиқ мулоқотнинг шакли бўлса,

новербал муроқот эса нутқсиз, имо-ишора, эмоция, жест ва пантомимик ҳаракатларда намоён бўлувчи муроқот шаклидир.

Аввал айтганимиздек, хавф вақтида мия организмга ҳимояланиш учун буйруқ ёки сигнал беради. Шунинг учун ҳам организм метаболизмида тезлашиш жараёни кечади. Хавф вақтида юрак уриши тезлашади ва қон босими кўтарилади. Қонга адреналин ажралади ва у мияга, мушакларга ҳамда ўпкага тақсимланади.

Мана шу жараёнлар содир бўлгани учун ҳам нафас олиш тезлашади. Метабализмнинг тезлашиши иссиқлик ҳароратини келтириб чиқаради, натижада эса терлаш ҳолати содир бўлади. Метабализм тезлашиши оқибатида инсонда невроз ҳолатининг белгилари намоён бўлади. Неврознинг ташқи белгилари орқали кишиларнинг ҳолатини билиш имкони туғилади. Буни оддий *кузатиши методи* орқали амалга ошириш мумкин.

Неврозда хулқ-атвор ва хатти-ҳаракат организмнинг турли қисмида содир бўлиши мумкин. Инсон танасининг кўп қисми бизга ёлғон ишлатиш натижасида қўрқув ва хавфнинг юзага келганлиги ҳақида маълумот беради.

Бу қисмлар: юз қисми; бош ва бўйин; қўл ва оёқ; тана; овоз интонацияси.

Бу тана қисмларга қараб кишининг стресс ҳолатида эканлиги ёки эмаслиги ҳақида маълумот олиш мумкин. У эҳтимол ёлғон гапираётган бўлиши мумкин. Эътибор бериш керакки, ҳеч қайси бир индикатор кишининг ёлғонидан алоҳида хабар бермайди. Ҳар бир индикаторнинг комбинациясига қараб, унинг намоён бўлиш вақти ва ҳолатига қараб ёлғон гапираётган кишини аниқлаш мумкин.

Кўзни кўп пирпиратиш ва ён-атрофга олиб қочиш асабийлашишдан далолат беради. Кузатув мобайнида аҳамият берингки, киши 1 дақиқа давомида 6-8 мартагача пирпиратиши мумкин.

Невроз ҳолатида бошнинг қон босими кўтарилиши кузатилади. Юз қизариши ёки аксинча оқариб кетиши ҳам мумкин. Бунинг сабаби организм юзни керакли даражада кислород билан таъминлаб бера олмайди. Кислород етишмаслиги нафақат юзнинг оқариши, балки яна бошқа аломатларни ҳам юзага келтириши мумкин.

Одатда, эснаётган одамни биз чарчаган деб ҳисоблаймиз. Аммо кишиларни қўрқув ҳолатида ҳам эсноқ тутади. Тезлашган метабализм организмда кўп кислород сарфланишига сабаб бўлгани учун қўп эснашади. Эсноқ организмни кўпроқ кислород билан тўйинишига имкон беради.

Кишида носамимийлик оқибатида вужудга келадиган қўрқув организмда стресс ва зўриқишини ҳамда жисмоний ўзгаришларни юзага келтиради.

Лаб соҳаси ҳам стресс ва зўриқишларни кўрсатувчи индикаторлар ҳисобланади. Метаболизм тезлашиши натижасида организм кўпроқ сув талаб қиласди. Бу эса оғиз бўшлиғида ва томоқда куришни келтириб чиқаради. Лабни ялаш ва кўп ютиниш организмнинг сувга эҳтиёж сезаётганлигини

билдиради.

Организмни интенсив ишлашга мажбур қилувчи ва қўп кислородга эҳтиёж сезиш жараёни ҳам организмнинг қизишига сабаб бўлади. Агар сиз ўтирган жойнинг ҳарорати терлаш даражасида бўлмаса, демак, билингки, кишининг терлаши стресс ва зўриқиши туфайли содир бўлади.

Кишининг боши ва юз қисми кўринарли жойда жойлашган бўлгани учун бу қисмларни назорат қилиш мумкинлиги боис турли қиёфага кириши мумкин. Бошқа тана қисмларини назорат қилиш мушкулроқ бўлгани учун улар ўзларини беихтиёр сотиб қўядилар.

Новербал ҳаракатларнинг кўллар мисолида тахлили қуидагича бўлиши мумкин. Тирноқларни ўйнаш, бармоқларни қўп қимирлатиш, соат, узук каби буюмларни ушлаш, терни артиш, кафтларни бир-бирига ишқалаш, доимий қичиниш буларнинг барчаси қўл соҳасида юзага чиқувчи невроз ҳолатининг белгиларидир.

Тананинг ғужанак бўлиши унинг зўриқишидан, носамимийлигидан хабар беради.

Организмнинг ҳаракатланишга шайлиги бир вақтнинг ўзида унинг беихтиёр ҳимояга тайёрланишини ҳам таъминлайди. Организмнинг мудофаа позициясида тана ўзини хавф-хатар ёки оғриқни сезмаслик учун (блокировка) ёпиқ ҳолатга ўтади.

Шахснинг кўлларини кўкрак қафаси олдида жипслаштириш ёки қо-вуштириши ходим назоратидан ўзини мудофаа қилишга уринишидир.

Кўлларнинг қовуштирилиши ёки блок ҳолати мудофаа, ҳимоя вазифасини ўтайди.

Танасини четга ўтиришга уринаётган киши ходимдан ўзини тортаётганлигини англатади. Бу мудофаа позициясининг яна бир кўриниши ҳисобланади. Мудофаа позициясининг яна бошқа бир кўринишида бу тана информация беришдан қочади ёки ўзини ҳимоя қилишга уринади. Бу асосан юзда ифодаланади.

Ёлғон вақтида инсонлар стрессга юз тутишлари мумкинлиги учун улар онг остида (беихтиёр) ўзларини юпатадилар ёки кўнгилларини кўтаришга ҳаракат қиладилар. Улар тананинг бир қанча жойларига худди она боласини овутгандай тегинишлари мумкин.

Эътибор бериш керак бўлган яна бир индикатор – берилган саволга жавоб беришда инсон стресс натижасида нигоҳни бир нуқтадан бошқасига тез-тез кўчириши ҳам кўзини олиб қочиши мумкин. Кўзни олиб қочиш – киши сизни тингламаётгани ёки сизнинг иштирокингизни ҳис қилмаётганидан дарак беради.

Кишининг кўзларини олиб қочиши, одамга қараб гапирмаслиги доим ҳам шубҳа уйғотмаслиги керак. Айрим инсонлар шундай тарбияланган бўладилар ёки аксинча сўзлашув давомида фақат кўзларга қараб гапиришлари мумкин. Аммо аҳамият бериш керакки, киши кўзларини олиб қочиши бу унинг носамиимиийлиги ёки нимадир яшираётганлигидан далолат

беради. Киши ёлғон сўзлаётганда сухбат давомийлигининг 1/3 қисмидагина нигоҳлар тўқнаш келади.

Мулоқотда сухбатдошларнинг кўз қарашлари – визуал контактлари ҳам катта аҳамиятга эга. Визуал контакт – бу қарашлар сони, уларнинг узоқлиги, қарашлардаги статика ва динамик алмашинувлар, кўзини олиб қочишлир ва бошқалардан иборат. Аргайл шулардан келиб чиқиб, «яқинлик (интимлик) формуласи»ни ишлаб чиқсан ва бунда интимлилик даражаси сухбатдошлар ўртасидаги масофага ва кўз қарашларга боғлиқлигини исботлаган. Чунки кўз қарашлар сухбатдошнинг мулоқотга тайёрлиги, уни давом эттириш керак ёки керак эмаслиги ҳақида маълумот бериб, сухбатнинг йўналишини белгилайди.

Яна бир муҳим таъсиран белгилар мажмуини ўзига мужассам этган соҳа – бу юзимиздир. Илмий адабиётда юз қиёфасининг 2000 дан зиёд қирралари аниқланган. Уларни маълум тартибда тизимга солиш учун П.Экман «*FAST*» – *Facial Affect Scoring Technique* деб номланган методикани ҳам таклиф этган. Унга кўра юз уч зонага бўлинади: I – кўз ва пешона, II – бурун ва бурун олди, III – оғиз ва ияк зонаси. Уларнинг ҳар бирида турлича бўладиган 6 хил эмоционал ҳолатлар ажратилади: қувонч, жаҳл, ҳайрат, қўркув, ғам ва нафрат.

Визуал алоқа кўзлар орқали амалга ошириладиган алоқадан иборат. Айрим маълумотлар: *психологик тажрибалардан маълум бўлишишича, сухбатдошлар бир-бирини кўзларига тикилиши билан ўзидаги ёқтириши, садоқат ёки аксинча, агрессив реакцияларга тайёргарликни ифодалайди.* Визуал алоқа мулоқот иштирокчилари орасидаги масофа катта бўлганда ҳамда таниши одамлар ўртасида узоқроқ давом этади. Ёқимсиз сухбат давомида одамлар кўзлар тўқнашувидан ўзларини сақлайдилар. Аёллар эркакларга нисбатан визуал алоқага кўпроқ мойилдирлар. Одамнинг эмоционал ҳолати таъсирида кўз қорачиги кенглиги ўзгаради. Салбий эмоциялар таъсирида қорачиқ тораяди, ижсобий эмоциялар таъсирида эса кенгаяди. Мутахассислар маслаҳатига кўра ижсобий ва ишончили муносабат ўрнатиши учун сухбатдошлар визуал алоқани бутун мулоқот вақтининг 60-70%ни эгаллаши керак. Одам самимий бўлмаса, ёки уялаётган бўлса, визуал алоқа бутун мулоқотнинг 1/3 ни эгаллайди. Бордию, визуал алоқа бутун мулоқот вақтининг 2/3 қисмини эгалласа, бу ҳолат одамга нисбатан қизиқши кучлилигини кўрсатади (бунда кўз қорачиги кенгаяди), ёки одамга нисбатан салбий муносабат кучлилигини кўрсатади (бунда кўз қорачиги тораяди). Аммо визуал алоқа кузатувида миллий хусусиятларни ҳам инобатга олиш керак. Жанубий Европа халқарида сухбатдошнинг кўзларига узоқроқ тикилиши одатий ҳолатдир. Баъзиларга бу ҳақорат бўлиб туюлиши мумкин. Японлар юзга нисбатан бўйинга кўпроқ қарайдилар. Узлукли визуал алоқа самаралидир. Тадқиқотларнинг кўрсатишича, визуал алоқа 10 сониядан ортмаслиги керак. Визуал алоқанинг оптимал варианти сухбатдошларнинг юзма-юз эмас, маълум бурчак остида (тажрибалар натижасига кўра 90 градус) бир-бирига юзланишидан иборат. Бундай

жойлашиши тикилиб туришга мажбур қилмайди ва ҳаракатларнинг эркин бўлишини таъминлайди.

Демак, новербал мулоқотда бир қанча белгилар тизимларидан фойдаланилади. Улардан фойдаланиш кўпинча онгсиз амалга ошади.

Сочни силаш, соқол, мўйлабни сийпалаш; юз, даҳан соҳаларини силаш, қулоқни тортқилаш, бурунни ишқалаш кабилар инсоннинг ўзини ўзи овутишга уриниши ёки ёлғондан ҳимояланиш воситасидир.

Мулоқотнинг нутқсиз воситасига кирувчи бошқа гурухини *вокаллаштириши* тизими, яъни овоз сифати, унинг диапазони, тоналлиги ва бошқалар ташкил этади. Ушбу қўшимчаларнинг ҳаммаси ахборотнинг аҳамиятини оширади ва ўзига хос нутққа қўшилган «қўшимча» вазифасини бажаради.

Жон Честара мулоқот жараёнида намоён бўладиган ва аниқ маъно ва моҳият касб этадиган новербал қилиқларга тасниф берган¹:

1) агар сухбатдошингиз бармоқлари билан столни тинмай чертаётган бўлса, демак, у бетоқат, ёки унга сиз билан сухбатлашиш зерикарли, шунинг учун у асабийлашмоқда;

2) агар сухбатдош елкаларини қисаётган бўлса, демак, уни сиз билан бўлган сухбат бефарқ қолдирди, унга барибир;

3) агар у қўл бармоқларини қисаётган бўлса, демак, у нимадандир жуда хавотир, ўзини ҳимоясиз ҳис қилмоқда;

4) сухбатдошнинг қўлларини мушт қилиб туриши ундаги важоҳат белгиси, лекин у бу ҳолатни, баджаҳлликни назорат қилмоқчи;

5) агар сухбатдошнинг қўллари беҳол бўлиб, кафтлари юқорига қаратилган тарзда олдинга интилган бўлса, демак, у нимадандир таажжубда, ташвишда, қийинчиликда;

6) агар шеригингиз костюмининг тугмаларини ечса, демак, у фаолликка ҳозирланган бўлади;

7) қўллар қўкракда боғланган бўлса, бу унинг чақириғи, ниманидир муҳокама қилишга тайёрлиги рамзи;

8) агар одам тез юриб бораётсиб, иякларини қўтарган ҳолда қўлларини эркин ташлаб қўйган бўлса, демак, у ўзига ишонади, у – қатъиятли;

9) одам кетаётганда, икки қўли чўнтақда, боши эгик бўлса, демак унинг руҳияти тушкунликда, хафа, депрессия ҳолатида бўлади;

10) қўл кафтларининг чаккага қўйилганлиги унинг нимагадир жуда ҳайратланиб, қизиқаётганлигининг белгисидир;

11) агар сухбатдош қўл мушки билан ўзининг иягига ураётган бўлса, у ниманидир аниқламоқчи, ташвишда бўлади;

12) агар одам бурнига тегинса ёки уни ишқалаётган бўлса, демак, у ниманидир устида ўйламоқда;

13) агар сухбатдош қўлинин белига тираб олган бўлса, демак, у ўзининг устунлигини билдириб, очиқ гаплашиб олишга чақираётган бўлади;

¹ Жон Честара. Деловой этикет. – М., 1997. – Б.26.

14) агар қўлларининг учларини бирлаштириб “уйча” шаклини эслатаётган бўлса, бу унинг ниманидир ўйлаётганлиги ёки нимагадир қизиқаётганлиги рамзидир;

15) агар сиз гапираётганингизда сухбатдош бошини ёнбош қилиб тингласа, демак, у жиддий эмас, ҳазилга мойил;

16) агар сухбатдош кўз ойнагини бурун устига тушириб, тепасидан қараса, бу унинг сиздан қўпроқ маълумотларни кутаётганлиги белгисидир;

17) одам у ёқдан бу ёққа бориб келаётган бўлса, демак, у нимадандир ташвишда, асабийлашмоқда;

18) агар одам қаншарини босаётган бўлса, демак, у чарчаган (агар кўзойнаги қисмаётган бўлса).

19) агар одам стулнинг қирғоғига ўтириб олган бўлса, бу ё сабрсизлик билан кутаётганлиги, ёки нимагадир қизиқиши билдираётганлиги рамзидир;

20) одам оёқларини бир-бирининг устига қўйиб олиб, оёғини енгил тебратаетган бўлса, демак, у зерикмоқда;

21) агар одам кўрсатгич бармоғи билан ўқталиб, ўзига хос тарзда ҳаракат қилаётган бўлса, у ўз қарашини таъкидламоқчи;

22) агар одам оёқларини хонтахта ёки стол устида устма-уст қўйиб ўтирган бўлса, у бошқаларда ўзига хос таассурот қолдирмоқчи, ўзининг тобе эмаслигини кўрсатмоқчи;

23) агар одам ўзини орқага ташлаб, қўлларини бир-бирига боғлаб, бўйнида ушлаган бўлса, демак, у дам олмоқчи, ва бошқаларда таассурот қолдирмоқчи;

24) гапираётган пайтида оғзини беркитиши, унинг “тушунишингиз шарт эмас” дегани.

25) одамнинг бир қўлини орқага қилиб, бошқа қўли билан тирсагини ушлаб туриши, унинг тажанглиги ва бирор билан гаплашиш хоҳиши йўқлигини билдиради (кўрсатилган адабиёт: 174-175-б.).

Шундай қилиб, биз одатий, табиий деб идрок қилган мулоқотда ҳам кўплаб сирлар, ўзига хос нозик томонлар борки, уларнинг барчаси биздан мулоқотда билимдонликни, ўзгаларга ва ўзимизга эътиборлироқ бўлишимизни талаб қиласи.

Овоз кишиларнинг айни вақтдаги ҳолатини (характери, темпераменти, ҳис-туйғулари) атрофдагиларга англатади. Овознинг тони шахснинг эмоциясини билишга ёрдам беради (ғазаб ва қайғу – енгилроқ, рашқ ва невроз – оғирроқ).

Асаблари таранг ҳамда хавотирли ҳолатларда шеригимизнинг ҳам овоз тембри бир неча бор ўзгарамади. Бу факт “Ёлғон детектори”нинг контактсиз намуналарида муносаб қўлланилади. Маълумот олинишида, овознинг кучи ва даражасига эътибор беринг:

- аник, баланд овоз – гайрат, иштиёқ, хурсандчилик, ишончсизлик;
- баланд, кучли ва юқори диапазонидаги овоз – ғазаб ва қўрқув;
- жуда юқори чинқироқ овоз – хавотирни;

➤ юмшоқ, охиста, ҳар бир фразанинг охирида интонациянинг пасайиши билан ифодаланадиган овоз – ғам, қайғу, чарчоқ;

➤ овоздаги олифтагарчилик – зўриқиши, ёлғон;

Новербал товушлар аҳамиятга эга маълумотларни беради:

➤ ҳуштак (бейхтиёр чалиш) – ишончсизлик ёки хавфсираш;

➤ кутилмаганды хахолаб қулиш – зўриқиши;

➤ овознинг кутилмаганды қисилиб чиқиши – зўриқиши;

➤ доимий йўтал тутиши – ёлғон, ўзига ишончсизлик, ташвишланиш.

Шунингдек, бейхтиёр реакциялар ҳам мавжуд бўлиб, уларни назорат килиш жуда қийин (зоро, уларни турли усуллар билан яширишга уринишади), бироқ маълумот олишда анча аҳамиятли ҳисобланади. Баъзи реакциялар «ёлғон детектори» каби ташхис аппаратларида аниқланади.

Бундай реакциялар қўйидагича кўринишида бўлади:

✓ юзнинг қизариши – уят, ғазаб;

✓ оқаріб кетиш – қўрқув, айбдорлик ҳисси;

✓ қорачиқнинг кенгайиши – қизиқиши, қониқиши, розилик, кучли оғриқ;

✓ қорачиқнинг торайиши – қониқмаслик, рад қилиниш;

✓ қўл ва бўйин соҳаси артериясида пульснинг кучли уриши – (юрак уришининг фаоллашуви билан бўйинбоғни бўшатишига уриниш) хавотир, қўрқув, уят, ёлғон;

✓ пульс частотасининг пасайиши – диққатнинг ошиши;

✓ тез-тез ва юзаки нафас – ички зўриқиши;

✓ бурундан қисқа-қисқа нафас олиш – жаҳл;

✓ нафас олишнинг бузилиши, томоқнинг қисилиши, тупукни рефлексив ютиши – вахима, уят, ёлғон;

✓ оғизнинг қуриши (ютиши, лабни ялаш, ташналиқ...) – қўрқув, ёлғон;

✓ тўсатдан тишларни кўрсатиш – қаҳр, тажовузкорлик;

✓ терламоқ, тер – ғазаб, хижолат бўлиш, нервозлик, ёлғон;

✓ титрок (қўл, оёқ бармоқларида, юз мушакларида) – ички зўриқиши, қўрқув, ёлғон;

✓ пирпираш – қўзғалиш, ёлғон;

✓ қориннинг ғулдираши – қўрқув (доим ҳам эмас, вазиятга қараб...);


✓ тишларни ғижирлатиш – кучли невроз, стресс, ўйлаганни амалга ошира олмаслик.

Бундай реакциялар аёлларга нисбатан эркакларда аниқроқ ифодаланади ва кузатиш имкони қўпроқ бўлади.

Эслатма: ҳар қандай психофизиологик диагностикада симптоматик ҳолатлардан ташқари вақт, жой, вазият, ҳолат каби параметрларга аҳамият бериш лозим (масалан, ҳарорати 39° бўлган беморда оғиз қуриш, терлаш, қўзларнинг пирпираши, юзнинг қизариши каби ҳолатлар рўй беради).

Сўнгги вақтларда психологик тадқиқотларда мулоқотга киришувчи

шахслар ўртасидаги оралиқнинг коммуникатив аҳамиятига ва мулоқот самарадорлигининг иштирокчилар жойлашувига боғлиқлиги масалаларига эътибор берилмоқда. Мулоқотга киришувчилар ўртасидаги масофаларнинг тўрт тури фарқланади: *интим* (0–0,5 м), *шахсий* (0,5–1,5 м), *ижтимоий* (1,5–3 м), *оммавий* (3 метрдан ортиқ). Ходим масофани ўзгартириш орқали гумон қилинувчи, айбланувчи, гувоҳ кабиларга қўшимча таъсир кўрсатишга эришиши мумкин, чунки бу билан шериклар ўртасидаги муносабатлар хусусияти ўзгаради.



НИЗОЛИ ВАЗИЯТЛАРНИ КЕЛТИРИБ ЧИҚАРУВЧИ ПРОВОКАЦИЯЛАР



Провокация ўзи нима?

Провокациянинг луғавий маъноси – қасдан уюштирилган ва оғир оқибатларга олиб келадиган хоинона иш ёки хатти-ҳаракат, фитна, иғвогарлик (провокация тиббий ҳамда ҳарбий соҳаларда ҳам қўлланилади).

Провокацион хатти-ҳаракатлар асосан ижтимоий тармоқдан ўта фаол фойдаланувчилар томонидан сунъий равишда уюштирилиб, ўз хизмат вазифасини олиб бораётган ички ишлар органлари ходимларининг қонуний фаолиятига қасдан халақит бериш, уларнинг ҳиссий-иродавий ҳолатларини бекарорлаштириш мақсадида, атайин юзага келтирилади. Натижада ходимнинг эмоционал ҳолатини издан чиқариш орқали унинг ҳаракатларини видеотасвирга олиб тармоққа жойлаштириш, хайп, изоҳ йиғиши учун режалаштирилади.



Зиддиятли-provokacion вазиятлар асосан мулоқотнинг қуий даражасида амалга оширилади.

Мулоқотнинг қуий даражаси қуийдагилардан иборат:

Примитив даража – асосий белгиси суҳбатдошга шунчаки бир муносабатда бўлиш. Бу буюм примитив даражада мулоқотга киришишга инсон учун керак бўлган буюм ёки халақит бераётган буюм бўлиши мумкин. Агар керак бўлса, уни эгаллашга ҳаракат қиласи, халақит бераётган бўлса, уни улоқтириб ташлашга интилади.

Манипулятив даражасы – мuloқот иштирокчиси сұхбатдошини рақиб деб билади ва албатта уни енгиштегі ҳаракат қилади. Манипулятор онгли ёки онгсиз равищда, моддий ё психологик манфаатни күзлаб, турли мағуссұр усуулар билан сұхбатдоши устидан ғалаба қозоништегі уринади. Манипулятив даражасында мұхым белгиси шуки, унда сұхбатдош шахсининг заиф томонларынан қириқишиң күчли бўлади.

Стандартлашган даражасы – сұхбатдоштегі нисбатан қириқиши мавжуд бўлиб, бу қириқиши сұхбатдошнинг муайян ижтимоий ролга эгаиги билан ҳарактерланади. Стандартлашган даражада мuloқот иштирокчилари ўртасида “ниқоблар алоқаси” амалга ошади.

Ниқоб турлари:

“ноль ниқоб” – “мен сизга тегмаяпман, сиз ҳам менга тегманг”, деган маънени билдириб, бефарқлик, иштироксизлик ниқоби ҳисобланади;



“йўлбарс ниқоби” – “менга тегиб кўрингчи” деган маънени англатувчи кўрқитишига қаратилган ниқоб;



“күён ниқоби” – “мен жуда кучсизман, менга тегманг” деган маънени англатувчи ниқоб;



“масхарабоз ниқоби” – “мен ҳеч нарсаны билмайман, менга тегишининг ҳожати йўқ” деган маънени англатувчи, ўзини анқов, гўл қилиб кўрсатишига ҳаракат қилувчилар ниқоб ҳисобланади.



Нима қилиш керак?

Хеч ким можароларни ёқтиrmайды, чунки у бир қатор салбий хис-туйғуларни келтириб чиқаради шунингдек, саломатликка ҳам путур етказади. Ҳар доим ҳам кунимиз рисоладагидек, режалаштирганимиздек үтмаслиги мүмкін. Тұсатдан юзага келадиган айрим қалтис вазиятлар борки, кунингизни нохушликларга түлдириб юбориши ҳеч гап әмас. Бундай вазиятларга қандай “туриб бериш” керак? Низолар, зиддиятлар юзага келмаслиги учун хис-туйғуларни қандай барқарорлаштириш керак?

Бу масалада эътиборингизга 9 та қоидани ҳавола этамиз.

1. Кутманг.

Можаро пайти келганда, унинг олдида ҳар доим келишмовчиликлар бўлади, шунинг учун бу сабабларни тезда йўқ қилиш муҳимдир. Рақибингиз нутқини тугатишини ва сизни янада мазах қилишини кутманг. Фақат сухбатни ёпинг, тушумовчиликларнинг бу кўчкисини тўхтатинг. Ҳамма нарсани жавобсиз қолдиринг ва тез орада можаро сусаяди.

2. Ҳиссиётларингиз совуши учун вақт беринг.

Ғазабингизни ифода қилманг, уни қоғозга ёзиш яхшироқ, у ҳатто энг даҳшатли сўзларга ҳам бардош беради, лекин ўзингизни энг паст даражага чўқтиришга ва рақибингиз билан бир хил тарзда жавоб беришга йўл қўйманг.

3. Шахсан гапиринг

Агар муаммо бўлса, одамдан тўғридан-тўғри сўраш ҳар доим яхшироқдир. Гўё ғийбатни тахмин қилманг ёки тингламанг. Агар сиз ҳақиқатан ҳам низолардан қочишни истасангиз ва ҳақиқатни тушунишингиз муҳим бўлса, шахснинг ўзидан тўғридан-тўғри сўранг.

4. Эмпатия (ҳамдардлик)

Муаммоларга дуч келганда, сиз нафақат иложи борича тезроқ ечим топишга ҳаракат қилишингиз, балки бошқа одамларнинг ҳис-туйғуларини ҳам ҳисобга олишингиз муҳимдир. Можародан қочиш учун сиз бу одамни тушунишингиз керак.

5. Мақсадларингизни аниқланг

Ҳар доим зиддиятли вазият бошланганда, ўзингиздан қандай мотивлар борлигини сўранг: сиз шунчаки ҳис-туйғуларингизни уйғотишни ва бирон бир фикрни исботлашни хоҳлайсизми ёки муносабатларни давом эттиришни хоҳлайсизми? Можарога рози бўлишни хоҳлаганингизда қандай мақсадларни кўзлайсиз? Қандай мақсадлар сизни қаршилик қилмасликка мажбур қилиши мүмкін?

6. Қийинчиликлар билан “дўстлашинг”

Тайёр бўлинг, чунки қийинчиликлар доимо ва ҳар куни дуч келадиган ҳолатдир: ишда, уйда, дўстлар билан, ота-оналар билан. Ҳар қандай хизмат-бу риё, ҳар қандай оила-бу риё.

7. Ёдингизда бўлсин, ёмон янгиликлар тез тарқайди

Агар сиз қаршилик кўрсатишга рози бўлсангиз ва низоларга кирсангиз, эҳтимол бу ҳаракат узоқ вақт эсда қолади ва барча яхши ишлар дарҳол унутилади. Шунинг учун, ҳар сафар жанжаллашмоқчи бўлганингизда ёки кимдир сизни муросага келтирганда, тамға сизда қолишини унутманг.

8. Табассум қил

Ҳар қандай вазиятда ҳам доим чиқиши йўли бор, асосийси бу вақтни кутишdir. Ҳатто энг жанжалли вазиятлар ҳам охир-оқибат унутилади ва энди улар ҳақида ҳеч ким эсламайди. Шунинг учун, нима бўлишидан қатъий назар, ҳар доим табассум қилинг ва ҳаётдан завқланинг.

9. Жавобгар бўлинг

Сўзларингиз учун жавоб беринг ва баҳона қилманг. Ҳеч қачон! Бу бошқаларнинг ҳурматига сабаб бўлади! Ҳар бир ҳаракатингизга “туриб” беринг.

Хизмат фаолияти давомида низоли-зиддиятли вазият юзага келганда, кескин тус олмаслиги учун айрим тавсияларни келтириб ўтамиш:

Зўриқиши олиб ташлаш. Кўпинча ички ишлар органлари ходимлари билан фуқаролар мулоқотга киришганида кучли ҳаяжонга тушади. Бунинг натижасида у маълумотларни изчил ва маъноли баён эта олмайди. Бундай ҳолат ноодатий вазият, хавотир ҳисси, ортиқча бир нарса айтиб қўйищдан кўркиш кабилар билан боғлиқ бўлиши мумкин. Зўриқиши олиб ташлаш учун унга вазиятга мослашиб олиши, хотиржам бўлиб тинчланиши учун вақт бериш, сўнгра психологик алоқага киришиш зарур.

Зўриқиши ҳосил қилиш. Бундай ҳолатни ходим сўроқ қилинаётган шахснинг эмоционал соҳасига таъсир кўрсатиш, у танлаган йўлнинг тўғрилигига ишончини сўндириш орқали яратади. Агар сўроқ қилинаётган шахс ортиқча ҳиссий қўзғалувчан ва импульсив бўлса, бу усул жиддий натижалар беради.

Шахсига хос фазилатлардан (ижобий хислатлардан) фойдаланиш. Кўп ҳолларда шахснинг фазилатларига мурожаат этиш жиноятларни текширишда, айниқса ёлғон кўрсатувлар бераётган шахсларга нисбатан қўлланилганида фойда беради. Шу боис, сўроқ қилинаётган шахснинг ҳалоллигини эслатиб, ўтмишдаги хизматлари, жамоадаги обрўсини таъкидлаб, уни сўроқ вақтида очиқ бўлиш ва ҳақгўйликка кўндириш мумкин.

Шахснинг ожиз томонларидан фойдаланиш. Шахс руҳиятининг ўзига хос жиҳатлари (жиззакилиги, кечинмаларга мойиллиги кабилар)ни ҳисобга олиб, сўроқ пайтида тўғри кўрсатувлар беришига эришиш мумкин. Ғазаб пайтида сўроқ қилинаётган шахс одатда айтмайдиган фикрларини айтиши мумкин.

Ёлғонга чек қўйиши. Бу усул шахс «ёлғонни ривожлантиришига» имкон бериш зарурати бўлмаганида қўлланилади. Бу усулни ходим иш ҳолатлари бўйича ишончли маълумотларга эга бўлганида қўллагани маъкул.

Бунда ёлғон күрсатувлар дархол рад этилади. Мавжуд далилларни тақдим этиш орқали ёлғон бартараф этилади.

Кутиш. Иш натижасидан манфаатдор гувоҳ, жабрланувчи, гумон қилинувчи, айбланувчининг онгида мотивлар кураши юз беради. Мотивларнинг айримлари ёлғон, бошқалари эса ҳаққоний күрсатувлар беришга ундейди.

Ходим шахсдаги иккиланишларни инобатга олиб, унинг онгида фойдали мотивлар ғалабасини таъминловчи асосларни атайнин «яратади» ҳамда сўроқ қилиш вақтида, сўроқ қилинувчининг ўзи ёлғон күрсатувларидан воз кечишини кутиб, танаффус беради.

Афсонага йўл қўйиш. Ходим шахс ёлғон күрсатувлар берадиганини била туриб, уларни баён этиши ва ичидагини айтиб олишига имкон беради. Бунда шахснинг ўзининг аввалги фикрларига зид күрсатмалар бериши аниқ бўлади. Ходим ўзини унинг күрсатувларига ишонаётгандек тутади, уни дикқат билан эшигади ва айтганларининг ҳаммасини баённомада қайд этиб, сўнгра афсонани барбод этади.

Чақириқ (даъват). Бу усул шахс мантиқан изчил фикр юритишни истамаган пайтда қўлланилади. Ходим атайнин дикқатини шахс рад эта оладиган, яхши исботланмаган ҳолатларга қаратади. Шу тариқа шахс фикрлашга ундалади ва шу пайтда ходим унга далиллар билан тасдиқланган фактларни хабар қиласи. Шахс ушбу фактларни ҳам аввалгилариdek рад этишга ҳаракат қиласи, аммо улар объектив бўлгани учун бу кўлидан келмайди. Бу ҳол унда ўзини йўқотиш, тушкунлик ҳолатини юзага келтириши мумкин. Шунда у аслида бўлган воқеани айтиб беришга мажбур бўлади.

Қўққисдан саволлар бериш. Шахс ёлғон күрсатувлар берадиганида унга у мавжудлигини билмаган савол қўққисдан берилади ёки далил тақдим этилади. Бу ҳол аввалдан тайёрлаб қўйилган ёлғон жавоблар тизимини бузиб юборади ва шахсда стресс ҳолатини келтириб чиқаради. У қўққисдан олинган маълумотни бунгача ўзи ўйлаб топган маълумотлар билан боғлашга қийналади, кейин навбатдаги ёлғон жавобни дарров ифодалай олмайди.

Изчиллик. Бу усул қўққисдан қўлланиладиган усулга қарама-қарши бўлиб, шахсда руҳий зўриқишини аста-секин кучайтириш учун зарур пайтда қўлланилади. Бунинг учун ходим далилларни кетма-кет ўсиб борувчи тартибда тақдим этади ва ҳар бирининг аҳамиятини батафсил тушунтиради. Ходим шахс тўпланган далилларнинг кучини сезишига имкон бераб, ёлғон гапиришга уриниши бефойда эканлигини күрсатади.

Дикқатни чалғитиш. Ушбу ҳолда ходим шахснинг хушёрлигини сўндириш учун дикқатини асосий масалага қаратмайди, балки уни бошқа масалаларга фикрини тортади.

Нутқ суръатини жадаллаштириш. Кўп ҳолларда шахс сўроқ пайтида имиллайди, вақтни чўзади, ходим биладиган ҳолатларга мос келиши учун жавобларини ўйлаб олиш ва тайёрлашга ҳаракат қиласи. Шундай вазиятда

ходим шахс гапларига жадал суръат бағишлиб, унинг фикрларидан олдинда юриб, фикрлаши ва найранг ишлатишига имкон бермай, ташаббусни ўз қўлига олади.

Нутқ суръатини пасайтириш. Шахс сўроқ пайтида жуда тез гапиради, фикрларда чалкашликлар, тизимлилик йўқолганда нутқ суръатини пасайтириш керак бўлади.

Ходимнинг хабардорлиги ҳақида тасаввур ҳосил қилиш. Ушбу ҳолда ходим шахсга муайян факт ёки маълумотларни атайнин айтиб беради. Натижада шахс ходим кўп нарсадан хабардорлиги ҳақида хуносага келади ва тўғри кўрсатувлар бера бошлайди.

Такрорийлик. Бу усул шахс навбатдаги сўроқ пайтида аввал берган кўрсатувларини аниқ такрорлай олмаслигига қаратилади.

ХОДИМЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ КОМПЕТЕНЦИЯСИ МАСАЛАСИ

Түшүнчә!

Коммуникатив компетенция бу:

- ✓ мураккаб коммуникатив қобилиятта зға бўлиш;
- ✓ янги ижтимоий соҳаларда етарли кўнилмаларни ўзлаштириш ва шакллантириш;
- ✓ муроқотда маданий меъёрлар ва чекловларни билиш;
- ✓ муносабатларда урф-одатлар, анъаналар, одоб-ахлоқ қоидаларини билиш ҳамда ҳурмат қилиш;
- ✓ шунингдек муайян касб доирасида коммуникатив воситаларга зға бўлиш.

коммуникатив компетенциянинг моҳияти


Diagram illustrating communication competence. It features a group of stylized human figures standing in a circle, each with a speech bubble containing a question. Red arrows point from the top text box to each figure. The questions are: қачон? (When?), Нима ҳақида? (What about...?), қандай? (How?), қимо? (Who?), қаерда? (Where?), қачон гаплашиш ва қачон жим туриш (How to communicate and how to argue).

Коммуникатив компетенция қандай ўзлаштирилади?



Сүнгги пайларда ҳәётимизни компьютер экранлари ва мобил қурилмаларсиз тасаввур қилишимиз қийинлашды. Ахборот усуллари жадал суръатларда ўзгариб бормоқда ва биз унга мослашишимиз керак. Шунга қарамай, ахборот узатиш каналидан қатъий назар, биз ҳар қандай муҳитдә коммуникатив имкониятларимиздан фойдаланишни унтиб қўймаслигимиз керак.

Виртуал оламдаги фаол сұхбатлар, баъзан сўзнинг мазмун моҳиятидан кўра унинг тезлигига қаратилганлиги кишилар орасида саводсиз мулоқотнинг урчиб кетишига сабаб бўлмоқда.



Муаммо!






Ходимларнинг фуқаролар билан мулоқот жараёни ўзига хос хусусиятга эга бўлиб, бир қатор қийинчиликларни ҳам юзага келтиради. Табиатан ҳамма бирдек сўзамол, гапга чечан бўлиб дунёга келмаганлиги, айримларнинг сўзга нўноқлиги ёки “мени борим шу, ёқадими йўқми” қабилида сўзлашиши қарши тарафнинг эътирози ёхуд танқидий таъсуротига сабаб бўлади.



Сұхбатдошлар орасида самаrasиз мұлоқотнинг шарт-шароитлари сифатида айрим түсиқларни келтириб үтамиз.






Түсікіларни енгса бўладими?



Албатта. Ҳар қандай тўсиқни енгиш учун аввало буни исташ, қолаверса ҳаракат қилиш керак. Ҳар бир ходим сұхбатга киришар экан, дастлаб ўзининг мақоми, мавқеи, жамиятдаги роли, ходимлик имиджи, принципи қолаверса, обрў-эътиборини мустаҳкам ушлаб қола билиши керак.

Бу борада ўзлаштириш муҳим бўлган айрим тавсияларни берамиз.



Ҳар қандай натижага тинимсиз машқлар асосида эришилади. Коммуникатив компетентлик муваффақиятли муроқотнинг 90% ижобий натижага эришишдир.

Шоиру-фузалолар ҳам “сўз билмасанг бир сўз дема, бу ҳам доноликнинг бир белгиси...”, - деб эътироф этганлар. Хусусан, нақшбандийлик тариқатининг йирик вакили, шоир Абдураҳмон Жомий:

*Бир шоир ўқиди бемаза газал,
Дедиким, алифсиз ёздим, бу аъло.
Дедимки, энг юксак санъат бўлурди,
Шеъринг сўзлари ҳам бўлмаса асло деб хитоб қилган эди.*

Ходимнинг коммуникатив компетенцияси шаклланганлигини кўрсатувчи айрим белгилар ҳақида қуйидагиларни ҳавола қиласиз.



ХОДИМЛАРНИНГ КОММУНИКАТИВ ХУСУСИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН МАШҚЛАР

1-машқ. Мулоқот жараёнида психологияк алоқа ўрнатиши

Бориши тартиби: синалувчилар жуфтларга бўлинади. Ҳар бир жуфтлик ўзаро ролларни тақсимлаб оладилар, ким “музлатилган” ким эса “реаниматор”. Сигнал асосида “музлатилган” шундай бир ахволга келадики, у ўз-ўзидан тормозлана боради, қарашлари ҳам хиссиз бўла бошлайди ва қотиб қолади. Реаниматорнинг вазифаси: хеч бир сўз, хеч бир тегинишсиз “музлатилгани” жойидан силжитиши керак. Бунда у фақат жест, мимика, нигоҳ ва пантомимикадан фойдаланиши мумкин.

Методик тавсия: реаниматорнинг мувафақиятини “музлатилган”нинг беихтиёр кулгуси ёки бошқа бир эмоционал ҳолатларини киритиш мумкин.

Машқда эмоционал алоқага акцент берилади. Машқнинг асосий қаҳрамони ҳам иккинчи бир шахсда психологик алоқа ўрната олган синалувчи ҳисобланади.

2-машқ. Оммавий чиқишлиарда ишончли муносабатларни ўрнатиши.

Бажарииш тартиби: Иштирокчилардан бири 5-6 дақиқа давомида исталган мавзуда сўзлаши керак бўлади. Гуруҳ нотиқни қабул қилмаётган ролини ўйнайди. Сўнгги ваизифа қндай бўлсада алоқа ўрнатиши.

Машқ сўнгидаги машғулотни таҳлил қилиш муҳофакама қилиш керак.

Ички ишлар органлари фаолиятида шахслар билан муносабатга киришишда бир қанча психологик, педагогик ва ижтимоий омиллар борки, уларни ўрганиш ва амалда жорий қилиш ҳар бир ходим учун касбий тайёргарлик ва касбий муҳим сифатларни шакллантиришда муҳим рол ўйнайди. Масалан, инсонлар билан муносабатга киришишда, уларни тушуниш ва (тўғри) мулоқот ўрнатиши учун, уларнинг хатти-харакатлари, мимика ва жестларини назардан қочирмаслик керак.

Бир қанча микрожестлар мавжуд. Жумладан, кўз ҳаракатлари, юз қизариши, лаб буриш, пирпираш. Бошқа жестлардан фарқли ўлароқ бу жестлар онг назоратидан ташқарида содир бўлиб, инсон ҳулқини интерпретация (баҳолашда) қилишда муҳим маълумот ҳисобланади. Энг аввал мана шу жестларга аҳамият бериш лозим.

Мулоқот жараёнида куйидагиларни кузатиши мумкин:

- Баҳолаш жестлари - даҳанини қашлаш, кўрсаткич бармоқлари билан энса соҳасини силаш, ўйчан юриш.
- Ишонч билдириш жестлари - қўл бармоқларини бирлаштириш, стулда тебраниш.

- Нервозлик ва ишончсизлик жестлари - қўл бармоқларини қовушириш, кафтларни силаш, бармоқлар билан уриш (таққиллатиш), ўтиришдан олдин стул суянчиғини ушлаб қўриш (тегиниш).
- Кутиш жестлари - кафтларни бир-бирига ишқаш, кафтларни матога (кийимга) артиш.
- Ўз-ўзини назорат қилиш жестлари - қўлларни орқада сиқиши (боғлаш), креслонинг тирсак қўйичини маҳкам ушлаб олиш.
- Инкор қилиш жестлари - қўлларни қўксисида чалиштириш (Напалеон позаси), бурнининг учини ушлаб қўйиш, орқага тисарилиш.
- Жойлашув жестлари - қўлларни қўксига қўйиш, суҳбатдошдан диққатни беихтиёр тез-тез узиш.
- Доминантлик (устунлик) жестлари - бош бармоқни қўрсатиш, қўлларни юқоридан пастга кескин ҳаракатлантириш.
- Носамимийлик жестлари - оғизни қўл билан беркитиш, бурун соҳасини ушлаш, четга ўгирилиш, кўзни олиб қочиш.

Шу ва бошқа жестлар интерпретацияси 1-иловада берилган (1,2,3-жадвал)

ИИО ходимларининг жестларни ишлатишида қўйидаги қоидаларга амал қилиши мақсадга мувофиқ:

-Жестларни хаддан ташқари кўп ишлатиш ёки улардан бутунлай воз кечиши атрофдагиларда шубха уйғотиш мумкин.

-Суҳбат давомида асоссиз жестларни ишлатмаслик.

-Стереотип (азалдан одат бўлиб қолган) жестикуляциядан қочиш керак.

3-машқ. “Мулоқот жараёнидаги қийинчиликларни бартараф қилиш”.

Бажариш тартиби: Иштирокчилар 5-8 кишидан иборат бир неча гурухга бўлинади, ҳар бир иштирокчи 5 сония вақт оралиғида бирор тематика бўйича сўз айтиши керак. Баъзилар мавзудан четласа ҳам, мияга келган энг биринчи фикрларни айтиб мулоқатдаги қўрқувдан фориғ бўлишга уринадилар. Вазифани бажаришда қийинчиликка учраганлар ўйиндан четлаштирилади. Оқибатда гуруҳда 1 нафар ғолиб қолади.

Методик тавсия: иштирокчилар жавоб берishi исталган тартибда бўлиши мумкин, буни иштирокчиларнинг ўzlари белгилайдилар. Яъни жавоб берган иштирокчи кейинги иштирокчини ўзи қўрсатади.

4-машқ. “Мулоқот жараёнидаги қийинчиликларни бартараф қилиш”

Бажариш тартиби: иштирокчилар жуфт-жуфт бўлиб гурухларга бўлинади ва тренер берган вазифага кўра (аввалдан танлаб олинган) икки мавзу хусусида гаплашадилар, шу вақтнинг ўзида улар бир-бирини ўзининг мавзусида гаплашишга мажбур қилиши керак (масалан, бири спорт бошқа бири эса тиббиёт ҳақида).

Методик тавсия: сұхбат керакли йүналишда бориши керак, ҳамкорлар бир-бирига бақырмасликка, күпроқ пауза қилишга ва үз мавзуларида керакли саволлар бериб, шеригини үз мавзусида гапиришга мажбур қилиши керак.

5-машқ. “Мулоқот жараёнида позиция танлаш”.

Бажариш тартиби: бир иштирокчи раҳбар ролини бажариб, ишга кеч қолғанлар билан турли позицияларда гаплашиши керак: “юқоридан”, “пастдан” ва “тeng-тengига”

Диалогдан сўнг тренер иштирокчилар билан вазифанинг қай даражада бажарилганлигини муҳокама қиласи.

Методик тавсия: агарда сұхбат (диалог) ўйланғандек ўтмаса унда тренернинг ўзи бир иштирокчи билан диалога киришади ва сұхбат давомида қўлланиладиган жестлар, интонация, мимика, пауза ушлаш тартиби кабиларга дикқатни қаратади.

6-машқ. “Мулоқотнинг зарур воситалари”

Бажариш тартиби: синалувчиларга милиция ходимининг фуқаро билан бўлган сұхбатидан 3-5 дақиқалик видеофрагмент намойиш этилади.

Вазифа: ходим фойдаланган жестларни тушунтириб беринг. Мазкур вазиятда улар керакмиди, оралиқ масофа қандай, мулоқот жараёни мақсадга мувофиқми?

Методик тавсия: сұхбатлар берилган бир қанча видеофрагментлар тайёрлаш ёки улар ўрнига фотоловхалар ва слайдлардан фойдаланиш мумкин.

7-машқ. “Мулоқотнинг зарур воситалари”

Бажариш тартиби: тингловчилар жуфтликларга бўлинадилар. Ҳар бир жуфтликка муайян матн берилади (юрист фаолияти билан боғлиқ бадий ёки маҳсус матн).

Вазифа: ифодали ўқиши техникасини шакллантириш.

Назорат: 10-15 дақиқадан сўнг 2-3 нафар синалувчи аудитория олдида ушбу матнни ўқиб бериши керак бўлади ва матннинг мазмунига кўра дикция, интонация техникаси, паузалар ва керакли жойларида ургу бериш кабилар таҳлил қилинади.

Методик тавсия: маҳсус матн газета, журнал, юристларнинг ҳизмат материалларидан олинган бўлиб, унда психологик вазиятлар мавжуд бўлиши керак (масалан, жиноячиларни ушлаш, низоли вазиятлар, сўроқ ва х.к.).

8-машқ. “Мулоқотчанлик сифатларини ўстиришга оид тренинг машғулотлари”

Мақсади: Мулоқотга кириша олиш малакасини такомиллаштириш ва мулоқотда юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш.

Вазифалари:

- ✓ шахс ҳолати ва кайфиятларини барқарорлаштириш;
- ✓ иштирокчиларнинг бир-бирлари ҳақида тасаввурларни кенгайтириш;
- ✓ ижтимоийлашувга ёрдам бўладиган қўникма, малакаларини шакллантириш;
- ✓ груп иштирокчиларини бир-бирларини тушунишга ҳамда ҳамкорликда ишлашга ўргатиш.

Кутилаётган натижалар:

- мулоқотга кириша олиш қобилиятини такомиллаштириш;
- мулотқот жараёниди юзага келадиган қийинчиликларни бартараф этиш;
- ҳамкорликда ишлашга ўргатиш;

Қоидалар:

- ✓ Ўнг қўл қоидаси (кимни қўлида микрофон бўлса ўша одам гапиради);
- ✓ Фаоллик қоидаси (ролли вазиятларда ҳар бир киши ўзига мавжуд билим, қўникма ва малакасидан фойдаланиш);
- ✓ Мулойимлилик қоидаси (барча қатнашчилари бир-бирларига хушмуомалик билан, исмлари билан мулоқот қилишлари керак бўлади);
- ✓ Регламент қоидаси (Тренинг қатнашчилар ўз фикрларини аниқ, лўнда, қисқа баён этишлари керак);
- ✓ Сирлилик қоидаси (машғулот жараёнидаги барча кечинмалар гурухдан ташқаридаги чиқиши мумкин эмас);
- ✓ Телефонларни ўчириб қўйиш қоидаси;

Тренинг ўтказишнинг ўзига хос хусусияти: мулоқот жараёнида юзага келиши мумкин бўлган муаммоларни бартараф этиш, шахсда мулоқот маъданияти шакллантириш, мулоқот техникасини янада ривожлантриш.

Бу тренингдан ижтимоий психология, мулоқот психологияси, шахс ижтимоийлашуви масалалари психологияси фанларига фойдаланиш тавсия этилади.

Услублар: ақлий ҳужум, ролли вазият, карточка.

Иштирокчилар: __ходимлар.

Вақт: ____

Самарали мулоқотни ташкил қилишда эътиборга олиниши лозим бўлган яна бир ҳолат “каршимдаги одам қандай ҳолатда?” деган саволга жавоб беришдан иборат. Буни қуйидаги машқ орқали амалга ошириш мумкин:

1- машқ. Иштирокчилар орасидан ихтиёрий 10 киши — раҳбар, ихтиёрий 10 киши — ходим сифатида танлаб олинади. Фараз қиласанадики, ходимлар улар учун таъқиқланган ножӯя иш қилиб қўйишган. Раҳбарларнинг вазифаси уларни жазолаш. Бунинг учун ҳар бир “раҳбар” ҳар бир ходимнинг олдига келиб, уларнинг юзига яхшилаб қараб, кейин унга қанақа жазо берган бўлишини қофозга ёзади — исмини ва жазо турини ёзиш сўралади.

“Нима учун шундай жазо белгиладингиз — айтинг” деб сўралади.

9-машқ. “Мулоқотдаги идрок “

2 та раҳбар бор — бири семиз, иккинчиси озғин. Ходим сифатида ножӯя иш қилдингиз. Қайси раҳбар сизга қандай жазо беради деб ўйлайсиз? Нима учун шундай деб ўйладингиз? каби саволлар билан мурожаат қилинди.

Шахс мулоқотда бўларкан бу мулоқотга таъсир кўрсатадиган омил сифатида симпатия ва антипатия белгилари ҳам алоҳида таъкидланиши лозим. Булар асосан:

а) юздаги табассум, б) қорачиғнинг кенглиги, в) юз мускулларининг эркинлиги.

Аждодларимиздан бизга миямиздаги сигналлар орқали шундай маълумотлар етиб келганки — жаҳл чиққанда мускуллар тортишади. Шунинг учун ориқ одам миямизда жаҳлдор одам каби тасаввур уйғотади.

Қорни оч одамни жаҳлини чиқариш осонми, қорни тўқ одамними? Нега? Икки гурухга бўлиб қорни оч одам қанақа бўлади? корни тўқ одам қанақа бўлади? иштирокчиларга ёздириш.

Новербал сигналлар — қўлини чўнтағига солиб туриши — раҳбарлигининг белгисидай кўринади.

10-машқ. “Бузуқ телефон” машқи.

Мақсад: Маълумот узатишдаги бузилишларни англаш. Маълумотни англанган ҳолда идрок қилиш ва фаол тинглаш услубини ўзлаштириш.

Йўриқнома: “Ушбу машқимизда 6 киши иштирок этиши керак. Бунда 5 киши хонадан ташқарида пойлаб туришади, 1 киши эса хонада қолади. Мен хонада қолган одамга оғзаки топшириқ айтаман. Бу одам иложи борича ҳамма топшириқни эслаб қолади ва иккинчи (хонадан ташқарида турганлардан бирига) одамга айтади. Иккинчи одам учинчисига, учинчиси тўртингисига ва ҳ.к. Биз эса маълумотлар қандай узатилишини кузатиб турамиз. Кейин эса худди шу жараённи муҳокама қиласиз”.

5 та ходим хонадан чиққанидан кейин бошловчи қолган 1 кишига қўйидагича топшириқ айтади: “Сиз соҳангиз раҳбарининг муовинисиз. Раҳбаримиз Собир Комилович Сизни анча пойладилар. Лекин келмаганингиздан сўнг сизга мен орқали топшириқ айтиб кетдилар. Айтдиларки, у киши ҳозир бизга Япония аппаратурасини олиш учун ҳужжатларни расмийлаштиришга кетдилар, у ердан чиқиб бошқармада кенгайтирилган йиғилишга борар эканлар. Агар улар соат 12 гача келмасалар бўлим мажлисини ўзингиз ўтказар экансиз, бу мажлисда “Профилактика” хизматининг ҳисоботини кўриб чиқиши керак. Кейин соат 15.00 да бўлимимизга Польшадан келаётган меҳмонларни кутиб олиш учун аэропортга 1 та “Нексия” билан 1 та “Дамас” автомашинасини чиқариш керак экан. Яна айтдиларки, соат 17.00 да ИИВнинг ижтимоий таъминот бўлимидан ходимларга тарқатиш учун гўшт келар экан. Ҳамма ходимларга 2

килодан гўшт тарқатиб раҳбарнинг улушкини холодильникка солиб қўйсангиз ўзлари келиб олиб кетар эканлар”.

Шундан сўнг маълмотлар бирин-кетин кириб келаётган ходимларга узатила бошлайди.

Машқ сўнгида одатда маълумотнинг бузилиши кузатилади. Машқда иштирок этган ходимлар видео ёрдамида маълумот мазмунини билиб оладилар. Шундан сўнг ходимларга ҳар қандай маълумотни биринчи манбадан олиш зарурияти айтиб ўтилади. Маълумотларнинг бир кишидан иккинчи кишига ўтиши натижасида у қанчалик ўзгариб кетиши пайдо бўладиган миш-миш гапларга асос бўлиши айтиб ўтилади.

Маълумот узатишдаги хатоларни бартараф этиш мақсадида фаол тинглашни ўрганиш машқи таклиф этилади. Бу машқ йўриқномасига кўра ҳамма ходимлар уч кишилик гурухларга бўлинадилар. Бу гурухдаги уч ходим уч хил ролда иштирок этади: гапиравчи, тингловчи ва назоратчи.

Гапиравчи ҳаётдаги бирор бир воқеани айтиб беради ва тингловчи бу воқеани иложи борича эсида олиб қолиб, қайтадан тақрорлаб айтиб бериши керак. Назоратчининг вазифаси йўл қўйилган хатоларни айтишдан иборат. Гурухдаги ҳар бир иштирокчи уччала ролдан бирортасида иштирок этиши шарт. Ушбу машқни бажариш орқали иштирокчилар вербализация, яъни фаол тинглаш методини ўзлаштирадилар.

11-машқ “Шахслараро муносабатлар ва низоли вазиятларни ҳал этиш усуллари”

Мақсад: Ролли ўйин орқали ҳамкорлик муносабатлари ҳақидаги тасаввурларни шакллантириш.

Бошловчи 10 та ходимни хонанинг ўртасига таклиф этади. Улар икки қатор бўлиб, бир-бирларига қарама-қарши туришади ва улар олдига йўриқномага биноан вазифа қўйилади.

Йўриқнома: “Тасаввур қилинг, сиз иккита мактабнинг вакилларисиз. Яқинда физика фанидан икки кунлик олимпиада бўлиши керак, лекин олимпиаданинг қаерда бўлиши ҳали аниқ эмас. Биринчи қатор — А томон — биринчи соҳа вакиллари, иккинчи қатор эса — В — томон — иккинчи соҳа вакиллари. Олимпиада кимнинг ташкилотида ўтиши ҳозирги сизнинг ҳаракатингизга боғлиқ. Ҳар бир томондаги ходим иложи борича қаршисидаги шеригини ҳар хил ваъдалар, тақлифлар билан ўз томонига оғдириб олишга ҳаракат қилиши керак. Лекин бу мулоқот сўзсиз — имо-ишоралар ёрдамида ўтиши керак. Қайси томонга ўтилса, олимпиада шунинг ташкилотида ўтади. Бунинг учун сизга икки минут вақт берилади”.

Ходимларнинг мулоқоти тутагандан сўнг бажарилган вазифа таҳлил этилади. Иштирокчилар жойларига ўтирганларидан сўнг бошловчи бўлиб ўтган ечим варианларини блокнотга ёзади. Ушбу музокарадаги муносабатлар қуйидагича бўлиши мумкин.

1. А Б. А томон Б томонга ўтади ва Б жойида қолади. Муносабатларнинг бу тури Б нуқтаи назаридан қараганда рақобат деб аталади.

2. А Б. А томон жойида қолади, Б томон эса А томонига ўтади. Б нуқтаи назаридан қараганда бу хил муносабат ён бериш деб аталади.

3. А Б. А ҳам Б ҳам бир-бирларининг томонига ўтишмайди ва ўз жойларида қолишади, бу хил муносабат пассивлик, яъни масалани ҳал этишдан қочиш дейилади.

4. А Б. Тўртинчи муносабат типи компрамист деб аталади. Бизнинг мисолимизда олимпиада 3-бир ташкилотда ўтказилиши таклиф этилади.

5. А Б. Бу муносабат тури ҳамкорлик деб аталади. Ва бунда муаммо иккала томоннинг манфаатлари ҳисобга олинган ҳолда ҳал этилади: Яъни олимпиаданинг бир куни бир ташкилотда, иккинчи куни эса иккинчи ташкилотда ўтади. Бу ҳолда иккала томоннинг қизиқишлиари қондирилади. Ва ҳеч қайси томон ўзини камситилган деб ҳис этмайди.

Бу машқ хулосасига кўра, мулоқотнинг ҳамкорлик услуби энг самарали ва конструктив бўлиб ҳисобланади.

Машғулотнинг иккинчи ярми низоли вазиятларни ҳал этишга қаратилган бўлиб, ходимлардан бирон-бир низоли, муаммоли вазиятни айтиш сўралади. Ушбу низоли вазиятнинг турли ечимлари ходимлардан сўралади ва ҳар бир таклиф этилаётган вариант бирон муносабат турига тааллуқли деб топилади. Одатда, муаммоли вазият ечимларидан ҳамкорликка тааллуқли бўлган вариант низони ҳал этишдаги конструктив йўл бўлиб ҳисобланади. Бир неча низоли вазиятларни таҳлил этиш орқали ходимлардан ушбу хулоса мустаҳкамланади.

12-машқ “Автобусда” ўйини

Мақсад: Ходимларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Иштирокчилардан бири автобусдаги безори ролини ўйнайди, қолганлар эса йўловчилар. Безори автобусдаги иккита ўриндиқни эгаллаб олиб, бирига ўзи ўтириби, бирига эса магнитофонини қўйган. У ҳеч кимга жой бермоқчи эмас. Йўловчилардан ҳар бири безори билан тил топишиб унинг ёнига ўтиришга ҳаракат қилиб қўриши керак. Шарт шуки — мақсадга жанжалсиз эришиш лозим.

13-машқ “Авлодлар ўртасидаги низо” ўйини

Мақсад: Ходимларда муомала маданиятини шакллантириш, шахслараро муносабатларни ижобий ривожлантириш.

Бунда уч киши иштирок этади — йигит, қиз ва катта ёшли одам. Авлодлар ўртасида “Эҳ, ҳозирги ёшлар...” қабилида тақлид уюштирилади. Йигит ва қизнинг вазифаси: имкон борича хушмуомалалик билан низодан қочиш. Жюри аъзолари ҳар бир ходимнинг ҳаракатини баҳолаб боради.

14-машқ. “Орқадаги ёзувлар”

Иштирокчиларнинг орқаларига варак маҳкамлаб қўйилади. Ҳамма иштирокчилар хонада хоҳлаган одамининг олдига бориб унинг орқасидаги қоғозга бу одамнинг нимаси ўзига ёқишини ёзиши керак. Вазифани мукаммаллаштириш ҳам мумкин. Масалан, ўша одамда нимани ўзгартиришни хоҳлашини ёзиши мумкин.

15-машқ. “Информацияни (маълумотни) сўзсиз узатиш”

Бу ўйинда бошловчи йўналтириб турувчи ролини бажаради. Бошловчи шундай тушунтириш беради: “Хозир бир киши хонадан ташқарига чиқиб туради, қолганлар эса унга қанақа маълумотни айтиш лозимлиги ҳақида келишиб олишади. Мен уни чақираман, шунда бутун гурух имо-ишора, турли қилиқлар ва юз ҳаракатлари билан унга шу информацияни узатишга ҳаракат қилишади. Чакирилган одамнинг вазифаси — гурух унга айтмоқчи бўлаётган маълумотни англаб олишдан иборат”.

Бошловчига эслатма: Одатда, ходимлар ўйин муҳитидан ножўя хатти-ҳаракатларни бажариш учун баҳона сифатида фойдаланишлари мумкин. Албатта, бу ўйинда ножўя ҳаракатлар бўлиши табиий, лекин кимки вазиятдан шўхлик ва ҳазил-хузул учун фойдаланмоқчи бўлса, уни ўйнаётган гуруҳининг ўзи тартибга келтириб қўйиши керак. Бу усулнинг муҳим таъсири кучига эгалигини ҳисобга олиб, уни жамоатчиликдан ҳоли ва шовқин кам бўлган маҳсус хоналарда ўтказиш мақсадга мувофиқдир.

16-машқ. “Икки қўллаб кўришиш”

Иштирокчиларнинг ҳаммаси доира шаклида ўтиришади. Қўллар бир-бирига бирлаштирилган бўлади. Иштирокчилар бирваракайига хоҳлаган томонидаги (чап ёки ўнг ёнидаги) кишига саломлашиш учун қўшқўллаб қўл узатади. Униси эса қўлларини ёнидагисига узатиши мумкин ва биринчи иштирокчига навбат етгунича шу ҳолда давом этади. Шундай қилиб бир нечта мос келмаслик ҳолати кузатилиши табиий. Ана шунда қанақангি қийчув кўтарилишини кўрасиз!

Бу ўйинни бир неча бор такрорлаш нафас ростлаш ва тинчланиш учун фойдалидир.

17-машқ. “Азиз меҳмон ўйини”

Мақсад: а) шахснинг ва хусусан, протогонист (меҳмон) шахсининг гурух томонидан хурмат қилинишини тасдиқлаш; б) гуруҳда одам билан муомала қилиш санъатини шакллантириш; в) бевосита (ўйинни амалга ошириш орқали) гуруҳдаги айrim иштирокчиларнинг протогонистга нисбатан салбий муносабатини шакллантириш.

Бу ўйинда протогонист сифатида гуруҳдаги энг кўзга ташланмайдиган, суст ходим танланади.

Бошловчи ўйиннинг моҳиятини қўйидагича тушунтиради: “Хозир бир киши ташқарига чиқиб, то уни чақирмагунимизча эшик орқасида кутиб туради. Қолганлардан 7 кишини биз ҳар бир ўйин қатнашчиларининг иштирокини ва хулқ-атворини баҳолаш учун (5 балли системада) ҳакам сифатида сайлаймиз. Вазифангиз нимадан иборатлигини айтиб олинг: эшик ортидаги киши — бизнинг энг азиз меҳмонимиз. Тасаввур қилинг, у бизнинг республикамиз учун дўст мамлакат бўлган Россия давлатининг вакили бўлиб, Ўзбекистон ва Россия ўртасида мустаҳкам алоқаларни йўлга қўйиш учун ташриф буюрган. Иштирокчилардан бири меҳмонни чақиради, шу билан бирга унга ҳамроҳлик ва таржимонлик ҳам қиласди. Қолган иштирокчиларнинг ҳар бири меҳмон билан кўришишга, ундан ниманидир сўрашга, унга нималарнидир гапириб беришга ҳаракат қилиши керак, чунки меҳмон зерикиб қолмаслиги керак. Ҳакам аъзоларининг вазифаси: қатнашчиларнинг иштирокини кузатиб бориб, кимда-ким меҳмон билан қуруқ, бетакаллуф, сохта, хушомадгўйларча, ва одобсизларча муносабатда бўлса, уларнинг балларини туширишдан иборат. Одобсизлар ва баллари паст бўлганлар ўйиндан чиқарилади. Ҳакамлар ҳар бир иштирокчининг ўртача баҳосига қараб, унинг ўзаро муносабатга киришиш қобилиятига баҳо берадилар”.

Бошловчи ҳам иштирокчилар билан биргалиқда ҳакам аъзоларини, ҳамроҳлик қилувчи (таржимон)ни ва “меҳмон”ни танлайди. Ҳамроҳлик қилувчи хонадан чиқиб кетади ва бир пасдан сўнг “меҳмон”ни бошлаб киради. Иштирокчилар протогонистни доира шаклида ўраб оладилар ва унинг атрофида ким қандай истаса шундайлигича ўтирадилар. У билан гаплашишнинг навбатма-навбатлиги шарт эмас, муҳими ҳар бир иштирокчи у билан муносабатга киришиши керак.

Олдиндан маълум бўлган кулгули нарсалар (меҳмон билан “чет тилида гаплашиш” ва мулоқотнинг одатланилмаган усули) ўйинга завқ бағишлийди, кулгу уйғотади, лекин таъкидланган жиддийлик йўқолмайди. Тажрибаларда кўринишича, протогонист билан мулоқотда бўлувчи шахслар ўз муносабатларида ҳазиломуз, кулгули ҳаракатларни ҳам қўллайдилар. Бунда иштирокчилар, ҳатто ҳакамлар томонидан баллар камайтирилиши эҳтимолини ҳам унутиб қўядилар. Шундай вазият кузатилганда, ўйин нихоясида бошловчи иштирокчиларнинг бу хил (ноўрин) ҳаракатларини енгилгина бўлса ҳам таъкидлаб ўтиши керак.

Меҳмон номига айтилаётган олқишлиар ҳақида олдиндан бошқотириб ўтириш шарт эмас, балки иштирокчилар буни ўйин жараёнида ўйлаб топишларига имконият яратиш керак.

18-масъқ. “Автобус” ўйини

Мақсад: Мулоқот мазмунини шахснинг новербал ҳаракатларидан англаш имконияти ҳақидаги тушунчаларни шакллантириш. Новербал

компонентлар: имо-ишора, мимика ва ҳиссий ҳолатларни ўқий олиш қобилияларини аниқлаш.

Бошловчи иштирокчиларга инсоннинг мулоқот жараёни қанчалик бой эканлиги, у фақатгина оғзаки мулоқотдан иборат бўлмай, балки сўзлар ёрдамисиз узатиладиган маълумотларга ҳам бой эканлиги ҳақида айтиб ўтади. Сўзлар ёрдамисиз узатиладиган маълумотлар мулоқотдаги новербал компонент дейилади. Бу хил компонентларни: имо-ишоралар, мимика (юз ифодаси) ва ихтиёрсиз тана ҳаракатларини мулоқотга киришаётган ҳар қандай одамда кузатиш мумкин. Бу хил компонентларни зеҳн билан кузатиш ва тушуниш натижасида кўпинча сұхбатдошимиз айта олмайдиган майл, истаклари ҳақида маълумот олишимиз мумкин. Бу хил ҳаракатларни кузата олиш қобииляти инсон ички оламида юзага келаётган норозиликларни олдиндан сезиш, сұхбатдошини “яrimta” гапидан тушуна олиш имкониятини беради. Натижада, мулоқот жараёнида бу хил омилларни ҳисобга олиш бу жараённи анча енгиллаштиради ва ўзаро тушуниш ҳиссини келтириб чиқаради.

Ходимларда бу хил билимларни мустаҳкамлаш учун қўйидаги машқ таклиф этилади. Ходимлар икки қатор бўлиб бир-бирларига қарама-қарши ҳолда юзма-юз турадилар. Ҳар бир ходим қаршисидаги шериги билан машқни бажаради.

Йўриқнома: Тасаввур қилинг, сизлар қарама-қарши томонларга кетаётган автобусда кетаяпсизлар, автобус ойнасида бошқа автобусда кетаётган танишингизни кўриб қолдингиз. Биринчи гуруҳдагилар сизларнинг ўша танишингизга бирон зарур, муҳим гапингиз бор. Имо-ишора орқали унга ўз фикрингизни тушунтиришингиз керак. Иккинчи гуруҳдагилар, сизлар ўз сұхбатдошингизни имо-ишорасидан нима демоқчи эканлигини тушуниб олишингиз керак.

Ходимлар машқни бажариб бўлганларидан сўнг бошловчи ҳар бир гуруҳ иштирокчиларига қўйидаги савол билан мурожаат қиласи: Шеригингиз бермоқчи бўлган маълумотдан нимани тушундингиз? Иккинчи гуруҳдагиларга эса “Сиз аслида нима демоқчи эдингиз?”, деб сўралади. Натижалар солиштириб чиқилади ва новербал имо-ишора ва хатти-ҳаракатлар индивидал хусусиятга эга бўлиши билан бирга умумий томонларга ҳам эгалиги таъкидлаб ўтилади. Мулоқот давомида бу жараён иштирокчиларнинг нафақат сўзлари балки, хатти-ҳаракатлари, юз ифодаси, товушидаги интонацияларни ўқий олиш зарурлиги ҳақида холоса чиқарилади.

МУНДАРИЖА

Мулоқот тушунчаси ва унинг психологик жиҳатлари.....	3
Низоли вазиятларни келтириб чиқарувчи провокациялар.....	29
Ходимларнинг коммуникатив компетенцияси масаласи.....	35
Ходимларнинг коммуникатив хусусиятларини шакллантиришга қаратилган машқлар.....	43

Ирода Мухаммаджановна ХАКИМОВА

**ИЧКИ ИШЛАР ОРГАНЛАРИ
ХОДИМЛАРИНИНГ ХИЗМАТ ФАОЛИЯТИДА
МУЛОҚОТ ТУШУНЧАСИ ВА УНИНГ
ПСИХОЛОГИК ЖИҲАТЛАРИ**

Ўқув-услубий қўлланма

Босишга руҳсат этилди _____. _____.2023 й. Нашриёт ҳисоб табоғи _____.
Буюртма №_____. Адади _____. нусха.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Малака ошириш институти,
100213. Тошкент шаҳри, Xусайн Байқаро кўчаси, 27а-уй.